

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Химояга рухсат
Кафедра мудири**

“_____” _____ 2013 йил

Почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш йўллари

мавзуида

М А Л А Қ А В И Й Б И Т И Р У В И Ш И

Битирувчи _____ С.С.Нуриддинов

Раҳбар _____ Х.М.Бобомуродов

Такризчи _____ Ў.М.Юсупов

**ҲФХ бўйича
маслаҳатчи _____ Ф.М.Қодиров**

ТОШКЕНТ - 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
Иқтисод кафедраси
Йўналиши 5340100 Иқтисодиёт (алоқа ва ахборотлаштириш)

ТАСДИҚЛАЙМАН

_____ Кафедра мудири
_____ 2013 йил

**Талаба: Нуриддинов Сайдиқамол Саидақбар ўғлининг
“Почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш
йўллари”**

мавзуидаги малакавий битирув ишига

ТОПШИРИҚ

1. **Мавзу:** Университет Ректорининг 2012 йил 7 декабрдаги 1304-06-сонли буйруғи билан тасдиқланган.
2. **Ишни ҳимояга топшириш муддати:** _____ 2013 йил 25 май _____
3. **Ишга оид дастлабки маълумотлар:** Президент асарлари, почта ва суғурта фаолиятига оид дарсликлар, қонун, қарор, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.
4. **Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг мазмуни:** Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари, «Ўзбекистон почтаси» оаж мисолида суғурта мунособатлари таҳлили, Почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш истиқболлари, Хаёт фаолияти хавфсизлиги.
5. **График материаллар рўйхати:** Почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш йўллари бўйича тақдимоти
6. **Топшириқ берилган сана:** 1 январь 2013 г.

Раҳбар: _____

Топшириқ олдим: _____

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари	Х.М.Бобомуродов	16.01.2013	16.01.2013
2.«Ўзбекистон почтаси» оаж мисолида суғурта мунособатлари таҳлили	Х.М.Бобомуродов	01.03.2013	01.03.2013
3.Почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш истиқболлари	Х.М.Бобомуродов	23.04.2013	23.04.2013
4.Хаёт фаолияти хавфсизлиги	Ф.М.Қодиров	24.05.2013	24.05.2013

8. Ишни бажариш графиги

№	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар белгиси
1.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари	28.02.2013	
2.	«Ўзбекистон почтаси» оаж мисолида суғурта мунособатлари таҳлили	23.04.2013	
3.	Почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш истиқболлари	28.05.2013	
4.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги	31.05.2013	

Битирувчи _____ 2013 йил ____ июнь

Раҳбар: _____ 2013 йил ____ июнь

Ушбу битирув малакавий ишда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари ёритилган. Ишда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ мисолида суғурта мунособатлари таҳлили амалга оширилган ҳамда почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш истиқболлари келтирилган.

В этом суть квалификационной работы особенности и основные концепции страхования в условиях модернизации считаются. В работе проведен анализ страховых отношений в примере «Узбекистон почтаси» Открытое Ассоциация Акций и влияние развивающихся страховых услуг в сфере почтовой связи.

In this qualification paper essence and fundamental concept of insurance in conditions of modernization are considered. In the work the insurance relationship analysis are done in the example of “Uzbekistan pochтasi” Open Stock Association and effect of developing insurance service in the sphere of postal communication.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
1. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТАНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ	7
1.1. Суғурта мунособатларини мазмун моҳияти ва ривожланиши босқичлари.....	7
1.2. Суғурта соҳани ривожлантиришни ҳуқуқий-меъёрий асослари.....	20
2. «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ МИСОЛИДА СУҒУРТА МУНОСОБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	37
2.1. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш.....	37
2.2. Почта алоқаси соҳасида АКТдан фойдаланиш самарадорлигини Баҳолаш.....	44
3. ПОЧТА АЛОҚАСИ СОҲАСИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	58
3.1. Почта алоқаси соҳасида янги интерактив хизмат турларини жорий этиш.....	58
3.2. Почта алоқаси соҳасида ахборот таваккалчилигини суғурталашни ривожлантириш йуллари	69
4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	75
4.1. Ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигига зарар етиши ва иш увчи масулияти. Умумий қоидалар.....	75
4.2. Техноген ҳусусиятли фавқулудда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш.....	78
Хулоса.....	86
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	88

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ҳозирда мунтазам, узлуксиз ишлайдиган ахборот тизимларисиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «..юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон алоқаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди»¹. Бу эса, ўз навбатида ахборот тизимларини узлуксиз ишлашини ва соҳада хавфсизликни таъминлашни талаб этади.

Бугунги кунда бутун дунёда АКТни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган устуворликларнинг аҳамиятини англаш кучайиб бормоқда. Уларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилади. Улар одамларга ўз салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Почта алоқаси объектлари даромадлари йил сайин ортган бўлсада, почта тармоғини алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги улуши пасайиш суръатларига эга бўлган. Бундай ҳолатни салбий жараён деб ҳисоблаш мумкин, чунки, бевосита почта соҳаси янги ахборот технологияларини жорий этиш бўйича самарали фаолият юритганда, соҳа улуши юқори бўлар эди. Почта алоқаси соҳасида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва АКТга асосланган ҳамда интерактив хизмат турларини курсатиш бўйича соҳа корхоналари олдида турган кечиктириб булмайдиган вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Т.: «Халқ сўзи» г., №21. 30.01.2010 й.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш масаласи бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Ахборотлашган жамият шаклланаётган шароитда почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларидан фойдаланиш ҳолатини тадқиқи этиш ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишда қўйидаги вазифалар белгилаб олинган.

- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчаларини ёритиш;

- Суғурта мунособатларини мазмун моҳияти ва ривожланиши босқичларини аниқлаш;

- Суғурта соҳани ривожлантиришни ҳуқуқий-меъёрий асослари ўрганиш;

- «Ўзбекистон почтаси» оаж мисолида суғурта мунособатлари таҳлил қилиш;

- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш;

- Почта алоқаси соҳасида АКТдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

- почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

- Почта алоқаси соҳасида янги интерактив хизмат турларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Почта алоқаси соҳасида ахборот таваккалчилигини суғурталашни ривожлантириш йўллари аниқлаш.

Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ олинган бўлса ишнинг преждмети сифатида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ 2009-2012 йиллардаги фаолияти натижалари ҳисобланади.

1. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТАНИНГ МОҲИАТИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

1.1. Суғурта мунособатларини мазмун моҳияти ва ривожланиши босқичлари

Суғурта ҳаётнинг барча жабҳаларида қўлланиладиган молиявий инструментдир. Суғурта хизматлари орқали инсонлар, мулкдорлар, тадбиркорлар, қолаверса, барча юридик ва жисмоний шахслар ўзига хос бўлган ҳимоя воситаси билан таъминланади.

Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Бугунги кун тадбиркорлари ва ишбилармонлари учун муҳим ҳисобланган бир неча суғурта турларига тўхталиб ўтсак.

Мол-мулк суғуртаси. Мазкур суғурта туридан фойдаланиш орқали мулкдор ёки тадбиркор, агарда ўзининг мулкига шартномада кўрсатилган ҳар хил хатарлар, воқеалар ва бахтсиз ҳодисалар туфайли зарар етса, етказилган зарар миқдорига суғурта товонини, яъни суғурта қопламасини суғурта компаниясидан олиши мумкин. Бунда юзага келган зарар мулкдор ёки тадбиркорнинг бизнесига салбий таъсирини кўрсатмайди ва бизнес бир маромда давом этаверади, натижада тадбиркор ўз бизнесидан кўзлаган мақсадга эришади.

Тадбиркорлик хавф-хатарлари суғуртаси. Бу суғурта тури бўйича тадбиркор ёки ишбилармон ўзи тузган бизнес режада кўзда тутилган даромадни суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳар хил хатарлар, воқеалар ва бахтсиз ҳодисалар туфайли ололмаса, бунда суғурта компанияси олинмай қолган даромад суммасини суғурта суммаси доирасида тўлаб беради.

Гаровга қўйилган мол-мулк суғуртаси. Банк кредит беришдан аввал албатта қарздорнинг кредитни қайтариш қобилиятидан келиб чиқиб тегишли таъминот турларини тақдим этишни талаб этади, чунки бу кредит сиёсатининг асосий тамойилларидан бири саналади. Таъминот турларидан бири сифатида гаров, яъни бирор-бир турдаги мол-мулк билан амалга ошириладиган гаров ҳисобланади. Бунда банк гаровга олган мулк, амалдаги қонунчиликка асосан, албатта, суғурталанган бўлиши керак. Суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган хавф-хатарлар натижасида гаровга қўйилган мулкка зарар етган тақдирда суғурта компанияси зарар ўрнини қоплаб беради, ва шу асосда банк ва қарздорнинг манфаатлари ҳимояланади, уларнинг бундан кейинги фаолияти бир маромда давом этишига имконият яратилади.

Кредит қайтмаслик хавф-хатарларидан суғурта қилиш. Бу суғурта тури жуда ҳам кам қўлланиладиган суғурта турларидан бири ҳисобланиб, банк миқозга кредит ажратишида кредитни қайтариш бўйича таъминот сифатида қўллаши мумкин. Албатта, агарда тадбиркор банкдан кредит олиб уни объектив сабабларга кўра қайтара олмаса, кредит суммаси ва фоизларини суғурта шартномасига кўра суғурта компанияси банкка тўлаб бериши мумкин. Аммо, регресс талабномасига кўра суғурта компанияси қарздордан банкка тўланмаган суммани қайта талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур суғурта тури бўйича суғурта қопламаси барча ҳолатларда ҳам тўланмаслиги, яъни аниқ бир истиснолар мавжудлиги сабабли, банклар ушбу суғурта туридан, гаров ва кафиллик таъминот турларига қўшимча сифатида фойдаланишадилар.

Суғурта инсоният ҳаёти ҳамда унинг мулкий манфаатларини ншончли ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси сифатида кишилиқ жамиятининг турли боскичларида мавжуд бўлган ва узоқ тарихга эга. Тарихий манбаларга кўра, нотижорат суғуртанинг дастлабки шакллари эрамиздан 2000 йил олдин Бобил подшоҳи Хаммурапи қонунларида, шунингдек, Форс кўрфази, Қадимги

Греция ва Миср, Қадимги Римдаги савдогарларнинг ўзаро тузган битимларида ўз аксини топган.

Мазкур битим шартларига мувофиқ умумий карвон сафида савдо қилувчи савдогарлардан бирортаси табиий ҳодисалар ёки қароқчилар ҳужуми оқибатида зарар кўрса, етказилган зарарлар бошқа савдогарлар томонидан қопланиши белгиланган. Бу даврларда махсус суғурта ташкнлотлари бўлмаган ва суғурта бадаллари тўланмаган.

Денгиз суғуртаси бўйича дастлабки жамият (суғурта ташкилоти) 1668 йилда Францияда ташкил этилган. XVI аср охирларида Лондонда хусусий суғурталовчиларнинг уюшмаси ташкил этилган. 1871 йилгача ушбу уюшма "Лондон Ллойди" номи билан фаолият кўрсатиб келган. Германиядаги дастлабки суғурта жамиятлари 1765 йилда Гамбург ва Берлинда тузилган".

Денгиз суғуртасининг пайдо бўлиши ва ривожланишига табиий офатлар таъсир кўрсатган бўлса. Европа мамлакатларидаги урбанизация жараёни мулк суғуртасининг бошқа турларининг вужудга келишига олиб келган. 1666 йилда Лондонда катта ёнғин бўлган ва унинг натижасида 70,0 минг киши ҳалок бўлган. Бу Европада ёнғиндан суғурталашнинг пайдо бўлишига шароит яратган. Англияда ёнғиндан суғурталаш билан шуғулланувчи кўплаб жамиятлар барпо этилган.

Германияда ёнғиндан суғурталаш бўйича дастлабки акциядорлик суғурта жамияти 1812 йилда тузилган.

Ҳаёт суғуртаси бўйича биринчи суғурта жамияти "Эквитебл" номи билан 1762 йилда ташкил этилган. 1830 йилга келиб, Англияда ҳаёт суғуртаси бўйича 35 та йирик жамиятлар фаолият кўрсатган. Ҳаётни суғурталаш бўйича дастлабки акциядорлик суғурта жамиятлари 1787 йилда Францияда ташкил этилган. Германияда эса 1806 йилга келиб, ҳаёт суғуртаси бўйича акциядорлик жамияти тузилган.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб, саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши мулкый ва шахсий суғуртанинг тараққий этишини анча тезлаштирди.

Собиқ иттифоқ даврида мавжуд бўлган суғурта тизими ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак. 1917 йилдан то 1990 йилга қадар, бутун собиқ иттифоқ худудида. шу жумладан, мамлакатимизда ҳам суғурта хизматларини кўрсатиш, фақат давлат суғурта органи томонидан амалга оширилган.

Суғурта соҳасида давлат монополияси ўрнатилганлиги сабабли давлат суғурта органи (Госстрах)га рақобат қилиши мумкин бўлган хусусий суғурта ташкилотларининг фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмаган.

1991 йил Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва бозор муносабатларини қуришга қаратилган давлат сиёсатининг юритилиши суғурта соҳасида узок йиллар ҳукм сурган давлат монополиясининг барҳам топишига, пировардида. Давлат суғурта ташкилотлари билан бир қаторда бошқа мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотларининг вужудга келишига шарт-шароит яратди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг суғурта соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар туфайли тармоқда рақобат асосида фаолият кўрсатадиган турли мулкчилик шаклларидаги суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади. Мулкларни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, янги шаклдаги тадбиркорлик тузилмаларининг пайдо бўлиши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг жадал суръатлар билан ривожланиши суғурта хизматларига бўлган талабнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Иқтисодий ислохотлар бошланган 1991 йилнинг ўзида амалда қарийб 70 йил давомида якка ҳоким сифатнда фаолият кўрсатиб келган "Госстрах"га рақобатлаша оладиган нодавлат суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлаганлигини таъкидлаш жоиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки мустақиллик йиллари суғурта соҳасини ислох қилиш юзасидан жиддий қадамлар қўйилди. Тармоқда туб

ислохотларни амалга ошириш жараёни бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда тан олинган ўзига хос модели "Ўзбек модели" тамойилларига мос равишда кечди ва бугунги кунда бу жараён давом этмоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби суғурта соҳасида ҳам давлат бош ислотчи сифатида фаол иштирок этаяпти. Бунинг тасдиғи ўлароқ суғуртанинг ҳуқуқий базаси яратилди бирин-кетин турли мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотлари ташкил этила бошланди. Дастлаб, 1993 йилда "Суғурта тўғрисида"ги Қонун қабул қилниди. 1994 йилда Ҳукумат қарорига мувофиқ "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси ва "УзАИГ" Ўзбекистон-Америка суғурта компанияси ташкил этилди. 1994 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилниди ҳамда 1995 йил 1 январдан мажбурий суғуртанинг ушбу тури амалиётга жорий этилди. 1995 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғуртавий ҳимоя қилиш бўйича "Мадад" суғурта агентлиги ташкил этилди.

1997 йили давлат иштирокида бир қатор йрик суғурта ташкилотлари ташкил этилди. Хусусан, 1994 йилда ташкил этилган "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги собиқ Давлат суғуртабош бошқармаси негизида "Ўзагросуғурта" ва "Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компаниялари ташкил этилди.

1998 йил суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини ҳузурида Суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта ташкилотлари янги

ташкил этилган Суғурта назорати давлат инспекциясида қайта рўйхатдан ўтказилди.

2002 йил Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари бозори ривожланишида янги босқинчи бошлаб берди. Суғурта фаоллятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2002 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши суғурта тизимини барқарор фаоллят кўрсатиши ҳамда суғурта хизматлари бозорини тараққий этиши борасида янги имкониятлар яратди. Мазкур Фармонга мувофиқ суғурта ташкилотлари мулкчилик шаклидан қатъий назар даромад (фойда) солиғини тўлашдан уч йил муддатга озод этилди. Солиқ тўлашдан бўшаб қолган пул маблағлари суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш Республика минтақаларида агентлик тармоқларини кенгайтириш ва кадрларни тайёрлашга сарфланиш қатъий белгиланган қўйилди. Шунингдек, 2002 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Суғурта тўғрисида"ги Қонуни бекор қилиб "Суғурта фаолляти тўғрисидаги" Қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши суғурта муносабатларида иштирок этувчи томошарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний жиҳатдан ҳимоялашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Суғурта соҳасини тартибга салувчи қонунчилик ҳужжати нормалари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Жумладан ривожланган хорижий мамлакатлардаги каби бизда ҳам суғурта хизматлари бозори икки соҳа: ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ хизматлар бозори ва умумий суғурта хизматлари бозорига ажратилди. Ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган ташкилотлар умумий суғурта турлари ўтказиш ва аксича умумий суғурта турларининг амалга оширувчи ташкилотлар ҳаётни суғурталаш ҳуқуқига эга эмаслиги қонунда белгиланган қўйилди.

"Суғурта фаолняти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қоттшга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 31 январдаги ЕФ-3022-сон Фармониға мувофиқ ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш. суғурталовчиларнинг моддий-техника базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг миитақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолини суғурта ташкплотларига бўлган ишончин опшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 27 ноябрда 413-сэнли қарор қабул килди.

Ушбу қарорға кўра суғурта бозори профессионал нштирокчилари учун устав фондининг энг кам миқдорларига бўлган талаб белгиланди. Шунингдек. суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фаолиятини лицензиялаш тартнби ҳам амалиётга жорий эталди. Энг муҳимн. юридик шахсларнинг ихтнэрий сутурта билан боғлик харажатлари улар товар айланмасининг 2.0 фоизи миқдорида солиққа тортиладиган базадги чиқариб ташланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-325-СОНЛИ Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда банк-молия. ахборот- коммуникация хизматлари қаторида суғурта хизматларини изчнл ривожлантириш бўйича имтиёзлар жорий этилди ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури маъқулланди. 2006 йил 1 апрелдан суғурта ташкплотлари уч йил муддатга даромад (фойда) солнғи тўлашдан озод этнлди. Шунингдек. дастурда 2010 йилга келиб суғурта хизматлари кўрсатиш турлари ва ҳажмини кенгайтириш хисобига суғурта мукофотлари умумий хажмини 68.0 млрд. сўмға опшириш вазифаси белгиланди. Суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасини

ривожлантиришга давлат томонидан қаратилган бундай чора-тадбирлар. солиқ бўйича берилган имтиёзлар табиийки ўз самарасини берди. 2009 йил яқлтишарига кўра малиакатимиз суғурта ташкилотлари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 142,0 млрд. сўмдан ошиб кетди.


Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелда "Суғурта хизматлари бозорини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-618-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур Қарорга асосан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислох қилиш ва ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Бу Дастурда суғурта фаолиятини ва суғурта назоратининг қоштинлик базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолияти экспорт-импорт операциялари, ҳаётни узок муддатли суғурталаш ҳаж.%ни кенгайтириш, Республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялашувини таъминлаш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

Шунингдек юқорида қайд этилган Президент Қарорига асосан "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда суғурта бозори профессионал штирокчилари бўлган суғурталовчилар. Суғурта агентлари суғурта ва қайта суғурта брокери, суғуртасюрвейери, ассистанс ва актуарий хизматини ҳамда аджастерларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар мавжуд. Сир эмас, суғурта бозорининг ушбу профессионал штирокчилари фаолиятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамламасдан туриб, уларни ривожлантириб бўлмайди. Суғурта бозорини ривожлантиришда мазкур субъектларнинг нечоғлик катга аҳамият касб этишини эътиборга олиб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга онд қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, суғурта бозори профессионал ишга тирокчилари ҳам 2009 йилгача фойда солиғи тўлашдан озод этилди.

Суғурта соҳасини ривожлантириш бўйича давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида суғурта ташкилотлари ўз фаолиятларининг бозор талабларига мос равишда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

2002 йил 5 апрелда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида суғуртага қуйидагича таъриф берилган: "Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Бундан кўришиб турибдики суғурта хизматларининг кўрсатиш бепул амалга оширилмайди.



1.1-чизма. Суғурта қилиш жараёни

Ўзларининг манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоя қилмоқчи бўлган корхоналар, ташкилотлар ёки фуқаролар суғурта шартномаси асосида суғурта ташкилотига хизмат ҳақи, яъни суғурта мукофотини тўлайдилар. Суғурта ташкилотининг ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотининг катта қисми махсус мақсадга мўлжалланган пул фонди - суғурта фондида йиғилади. Суғурта фондидаги пул маблағлари суғурта

ходисаси содир бўлиши натижасида корхона, ташкилот ёки фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун ишлатилади.

Чизмадан кўриниб турибдики, бир томондан. юридик ва жисмоний шахслар (суғурта қилдирувчилар), иккинчи томондан суғурта ташкилоти. яъни суғурталовчи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида юзага келади.

Шартномада юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланиш лозим бўлган суғурта хизматини ҳақи - суғурта мукофоти миқдори ва уни тўлаш шартлари ақс этирилади. Юқорида қайд этганимиздек, суғурта ташкилот хисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотларидан суғурта захиралари шакллантирилади. Бу захирадаги пул маблағлари шартномада кўрсатилган таваккалчилик рўй бериш натижасида суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчиларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга зарарни қоплаш учун ишлатилади. Бу ерда иккита жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак. Биринчидан. шартномада келтирилган таваккалчиликлар. масалан. сув тошқини, zilзила каби табиий офатлар юз берганда суғурта қилдирувчига етказилган зарар қопланади. Аммо, шартномада айрим таваккалчиликлар масалан, ёнғин кўрсатилмаган бўлса, миждоз. яъни юридик ёки жисмоний шахснинг манфаатларига ёнғин содир бўлиши натижасида зиён етказилган бўлса, у ҳолда бу зарар суғурталовчи томонидан қопланмайди. Буннинг сабаби шундаки. суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида ёнғин содир бўлиш оқибатида юзага келадиган зарарларнинг ўринини қоплаш кўзда тутилмаган. Бу фикрдан. ёнғин рўй бериш натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларни суғурта ташкилоти қопламас эканда деган тушунча пайдо бўлмаслиги зарур. Гап шундаки. суғурташартномасини тузишда томонлар суғурта орқали қопланадиган барча ҳолатлар, таваккалчиликлар, истиснолар тўғрисида олдиндан келишиб олишлари зарур. Агар шартнома шартларида суғурта қилдирувчига ёнғин содир бўлиши туфайли етказилган зарарни қоплаш назарда тутилган бўлса, у ҳолда албатта

зарар қопланади. Шунингдан чиқармаслик керакки, айрим суғурта ходисалари, шу жумладан, ёнғин ҳам суғурта қилдирувчи томонидан суғурта копламасини (пулини) олиш мақсадида атайин топширилган бўлиши мумкин. Мобода шундай ҳолат аниқланса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига етказилган зарарни қопламайди.

Иқтисодий тараққий этган давлатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик фуқаролари фақат ўз ҳаётларининггина эмас, балки бугун мол-мулкни, фарзандларининг ҳаётини тўлиқ суғурталагани айна ҳақиқатдир. Бу бежиз эмас, албатта. Улар суғуртани "тинч ҳаёт кечириш учун тўлов" деб талқин этадилар. Бу ўринда мазкур давлатларда суғурта муносабатлари бир неча ўн ва хатто юз йиллардан бери ривожланиб келаётганига эътиборни қаратиш лозим.

Суғуртанинг моҳияти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Истиқлол йиллари суғуртанинг янада ривожланиши учун шундай қулай шароитлар яратилдики, бунинг натижаси ўлароқ, суғурта бозори кескин суръатларда ривожланмоқда. Агар собиқ иттифоқ даврида мамлакат ичкарисидаги барча суғуртаишлари фақат "Госстрах" деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 30 дан зиёд суғурта ташкилоти томонидан 200 дан ортиқ суғурта хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Суғуртанинг суғурта қилдирувчилар учун фойдали жиҳати шундаки тўланган суғурта қопламалари (суғурталлари) солиққа тортилмайди. Бу жуда муҳим. Гапнинг очиғи, кўпчилик фуқароларимиз суғуртанинг мана шу хусусиятидан тўлиқ хабардор эмаслар. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, фуқаролар ва корхоналар оладиган даромадлар белгиланган тартибда даромад (фойда) солиғига тортилнши лозим. Улар учун берилган имтиёзлар бундан мустасно. Аммо, суғурта ходисалари рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун суғурта ташкилотлари

томонидан тўланган пул маблағлари фуқаро ёки корхоналарнинг даромади сифатнда баҳоланмайди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ўз мол-мулки ёки бошқа манфаатларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлари даромад (фойда) солиғи базасидан чиқарилади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг бошларига қадар корхона ва ташкилотлар ўз мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича тўлаган суғурта мукофотлари солиққа тортиладиган базага киритилар эди. Бу ҳолат уларни ихтиёрий суғуртага бўлган манфаатдорлигини янада пасайтиришга сабаб бўлган. Мамлакатимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотларнинг суғурта хизматларидан фойдаланмаганликларининг сабабларидан бири ҳам ана шунда десак асло муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари суғурта қилиш йўли билан тўпланган суғурта мукофотларидан суғурта захиралари шакллантирилади ва суғурта ташкилотлари ушбу суғурта захираларининг маблағларини иқтисодиёти туфли тармоқларига инвестиция қилувчи йирик инвесторлар ҳисобланадилар. Бир сўз билан таъкидлайдиган бўлсак, суғурта химоя воситаси бўлиш билан бир қаторда инвестицион ресурслар орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи омиллардан биридир.

Суғурта ташкилотни жамиятга қандай наф келтириш ҳақида фикр юритар эканмиз беихтиёр: “Фалокат оёқ остида” деган халқ нақли ҳаёлимизга келади. Бу нақл бизга жуда ҳам таниш ва унинг замирида чуқур бир маъно борлигини илғаб олиш қийин эмас. Дарҳақиқат барчамиз кундалик турмуш юмушлари билан банд бўлиб, содир бўлиши мумкин бўлган турли нохушликлардан эҳтиёт бўлиш чораларини кўрмаймиз. Ишончимиз комил бўладикки бизга ҳеч нарса хавф солмайди. Баъзан тўсатдан бахтсиз ҳодиса ёки бошқа қутилмаган фалокат рўй бериш натижасида соғлигимизга путур етса тиклаш учун кўп харажат ҳам қиламиз. Аввато, ҳар бир инсоннинг ёмон кўздан асрасин деймиз. Аммо ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, "кўза кунда эмас кунда синади".

Худди шундай. фалокатнинг ҳам қачон бўлишини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Юқорида қайд этганимиздек. олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ходисаларнинг рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун инсонлар ўз ҳаётларини бахтсиз ходисалардан. корхона ва ташкилотлар эса табий ҳамда бошқа хавф- хатарларнинг рўй бериш ҳолатларидан суғурта қиладилар. Умуман. суғуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодий эҳтиётни узлуксиз ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти беқиёс. Буни эътиборга олиб, мамлакатимизда бозор инфратузитмасининг ушбу бўғинини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бугунги кунда суғурта хизматлари бозори ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди деб айтиш учун бизда барча асослар мавжуд. Фақат бугина эмас. Тўғри бизда ҳаётни суғурта қилиш, айниқса узоқ муддатли суғурта турларини ривожлантиришда баъзи муаммолар мавжуд. Бу суғурта турларини амалга ошириш учун фуқароларда суғурта ташкилотларига ншонч бўлиш билан бир қаторда етарли миқдорда маблағ ҳам бўлиши зарур. Фақат ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда эмас балки корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда бошқа ихтиссий суғурта турларини ўтказишда ҳам талай муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш суғурта ташкилотлари ва уларнинг салоҳиятли мижозлари бўлмиш кўп минг сонли аҳоли юридик шахслар раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Жамиятда аҳоли ва корхона ҳамда ташкилот раҳбарларининг суғуртага бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Бу ўз навбатида суғурта ташкилотлари аввало суғурта агентлари томонидан фаолаштириш тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Ҳаётий тажрибадан маълумки, ҳар қандай корхона. ташкилот ёки фуқаро ўз мол-мулкини авайлаб-асрашга ҳаракат қилади. Аммо олдиндан кўриб бўлмайдиган кўнгилсиз воқеаларнинг тасодифан содир бўлиши оқибатида бу мол-мулклар зарарланади ёки бутунлай нобуд бўлади. Режали иқтисодий тизимида барча корхоналар давлат тасарруфида бўлганлиги боис. бундай

вокеаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарлар аксарият ҳолатларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган.

Аммо иқтисодий бозор муносабатларига ўтказиш билан боғлиқ ислохотлар мулкӣ муносабатларни тубдан ўзгартриб юборди. Мулклар давлат тасарруфидан чиқариш туфайли хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар барпо этилди. Табиийки, янги шароитда хусусий сектордаги корхона ва ташкилотларнинг мулкӣ манфаатларига турли хил таваккалчиликлар оқибатида етказилган зарарлар давлат бюджети ҳисобидан қопланмайди. Худди мана шу сабабли ҳам суғурта корхона ва ташкилотларнинг мулкӣ манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи самарали восита сифатида бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Суғурта соҳани ривожлантиришни ҳуқуқий-меъорӣ асослари

Бугунги кунда суғурта мамлакат иқтисодиёти ўсишининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминловчи бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил этувчи муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Охирги йилларда мамлакат суғурта бозори динамик ўсиш суръатларини намойён этиб, унинг сифат хусусиятлари яхшиланмоқда, ялпи ички маҳсулотда суғурта хизматлар улуши ортмоқда. Мамлакатимиз суғурта хизматлари бозори динамик суръатларда ривожланиб бормоқда, бозордаги суғурта операциялари ҳажми оғишмай ўсиб бормоқда, суғурта компаниялари республика иқтисодиётида тобора муҳим рол ўйнаб бормоқда.

2008-2012 йилларда суғурта бозорини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш

тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар лойиҳалари, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотларидан чегирмаларни компенсациялаш тартиби тўғрисидаги Низом, Ахборот алмашишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом, Компенсация тўловларини амалга ошириш тартиб-қоидалари, Календар тўланадиган бадалларининг ставкаларини, тўланадиган календар бадалларининг энг юқори миқдорларини белгилаш ва суғурталовчилар билан календар тўланадиган бадаллари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом ва бошқа жараёнлар келишилди.

2008 йилда мамлақитимиз суғурта компаниялари томонидан умумий миқдори 87,1 миллиард сўмлик ялпи мукофот йиғилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 18,3 фоизга кўпдир. Утган йил якунлари бўйича 14,2 миллиард сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилган бўлиб, мазкур кўрсаткич бир йил аввалги тўловлардан 62,9 фоизга ортиқдир, яъни шу вақт мобайнида суғурта тўловлари миқдори 3 баробардан кўпроқ ўсган.

Давлат ва бозор механизмларининг биргаликда таъсир этиши суғурта бозори фаолиятининг кенгайишига олиб келди, бу суғурталовчиларга маблағлар (инвестициялар) ҳажмини ошириш ва уларни бозор воситаларига жойлаштириш имконини берди. 2011 йил якунларига кўра Республика суғурталовчилари инвестицияларининг умумий ҳажми 240,6 млрд сўмдан ошиб кетди, бу 2010 йилдагига қараганда 13,7 фоизга кўпдир. Суғурталовчиларнинг умумий инвестиция портфелида акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар инвестициялар умумий ҳажмининг 55 фоизини (2011 йил якунига ушбу кўрсаткич 58,6 фоизни ташкил қилган эди), банк депозитлари эса 35,2 фоизни ташкил қилади (2007 йил якунига — 34,9 фоиз).

Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоялаш, яъни суғурта муносабатларида улар учун адолатли шароитларни таъминлаш,

суғурталовчилар томонидан улар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини камайтириш юзасидан давлат хамиша қайғуради. Қайта суғурталовчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини, улар фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш йўли билан қайта суғурта фаолияти давлат томонидан тартибга солиниши муҳимдир.

Қайта суғурта фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси тартибга солувчи орган ҳисобланиб, унинг ваколатлари жумласига фуқароларнинг суғурта муносабатлари юзасидан манфаатлари бузилиши бўйича уларнинг мурожаатномаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш; суғурта маданияти ва аҳолининг суғурталаш ҳақида хабардорлигини ошириш тадбирларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, суғурталовчилар фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш ва суғурта хизматлари кўрсатилишида суғурталанувчилар учун тезкорлик ва қулайликни таъминлаш мақсадида суғурта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштиришга кўмаклашиш, шунингдек, суғурталовчилар ва қайта суғурта брокерларининг қайта суғурта фаолиятини лицензиялаш каби жараёнлар киради:

Бугунги кунда қайта суғурта соҳаси иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-518 сонли қарорига мувофиқ

Республикада суғурталаш ва суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида бир нечта вазифа белгиланган. Қўйидагилар шулар жумласидандир: суғурта фаолиятининг қонунчилик ва меъерий-ҳуқуқий базасини, шунингдек, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини янада такомиллаштириш; кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини, экспорт-импорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узок муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғариб бориладиган турларида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш; капиталлашув даражасини янада кўпайтириш йўли билан суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини ва тўловга қобилиятлигини мустаҳкамлаш; суғурталаш соҳасида кенг тушунтириш ишлари ва аҳолининг суғурта маданиятини оширишга оид бошқа тадбирларни амалга ошириш; суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Мамлакат Президентининг юқоридаги қарорини бажариш мақсадида қайта суғурталашнинг замонавий турларини такомиллаштириш, суғурта фаолиятининг сифатини ошириш, капиталлашув даражасини босқичма-босқич кўпайтириш ва суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига халқаро андозаларни жорий этиш юзасидан комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг амалга оширилиши ривожланган, цивилизациялашган ва рақобатбардош суғурта бозорини шакллантириш, мамлакат аҳолисининг суғурта маданиятини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ва “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги қарори билан «Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида низом»нинг тасдиқланиши келгусида мажбурий суғурта қилишни суғурта бозорида суғурта мукофотларининг асосий ҳажмини тақсимлашни белгилаб берувчи ҳал қилувчи сегментга айлантиради ва суғурталашнинг айнан ушбу сегментида энг кучли рақобат авж олади.

Аҳолининг суғурта маданияти аста-секин ошиб бормоқда, аҳоли суғурта компанияларига кўпроқ ишонч билдирмоқда, у ёки бу даражада суғурта масалаларига жиддий ёндашмоқда. Суғурта компаниялари ходимларининг касбий маҳорати ҳам ўсмоқда.

Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Суғуртанинг умумий шартларини ўзида акс эттирувчи ҳуқуқий асослар.
2. Суғурта фонди шакллантириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асослар.
3. Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асослар.
4. Суғуртачи – суғурталанувчилар ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослар.
5. Суғурта фаолиятини халқаро даражада амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асослар.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби, суғурта соҳасининг ҳам назорат қилувчи қонунлари мавжуд. Буларга қуйидагилар киради :

1. Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 52-боби
3. Ўзбекистон Республикаси "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" ги Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида “ ... 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди²,” деб таъкидлаб ўтганлар.

Қатор йиллар давомидаги бюджет профицити, расмий захираларнинг юқори даражаси, муқобил банк тизими ва жаҳон молия бозорларини эҳтиёткорлик билан ўзлаштирилиши мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан сақлаб қолганлиги ҳам қайд этилди.

Шу сабабли, давлат сиёсатининг суғурта соҳасидаги асосий вазифаси бўлиб суғурта фаолиятининг қонун асосларини мукамаллаштириш, назоратнинг усублари ва шаклларини қайтадан кўриб чиқиш , тармоқнинг самарали ривожланиши ҳамда замонавий суғурта саноатини ташкил этиш учун шарт – шароитлар яратиб бериш ҳисобланади.

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган суғурта тармоғини тартибга солиш сиёсати суғурта бозорининг ўсиш суръатлар ривожланиши учун барча керакли шароитларни яратиб бермоқда. Келтирилган чора тадбирлар рақобатбардош суғурта хизматлари бозорини шакллантирувчи асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия - банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор

²Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил якунларига бағишланган мажлисида қилган маърузаси 21 января 2013, news@ca-news.org

йўналишлари тўғрисида»³ ги қарорида республика суғурта ва суғурта фаолиятининг яқин йиллар учун ривожланиш омиллари келтириб ўтилган.

Юқоридаги қарорга кўра, 2011 йилда суғурта фаолиятини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни мукамаллаштириш, суғурта хизматининг сифатини ошириш, молиялаштириш даражаларини босқичма – босқич ошириб бориш, суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ҳамда суғурта фаолиятини назорат қилиш жараёнига халқаро стандартларни киритиш каби бир қатор ишлар амалга оширилган.

Бугунги кунда суғурта соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган тармоқларидан бири сифатида тан олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия - банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига кўра республика суғурта ва суғурта фаолиятининг яқин йиллар учун ривожланиш омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Суғурта фаолиятининг қонуний асосларини мукамаллаштиришда давом этиш, жумладан:

- суғурта бўйича жаҳон тажрибаларини инобатга олган ҳолда “Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ҳақида ” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ;

- ҳаёт суғуртаси тармоғининг, шу жумладан, узоқ муддатли ва жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг, истиқболли ривожланишига бағишланган норматив – ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- ноқонуний йўл билан топилган даромадларни қонунийлаштирганлиги, терроризимни молиялаштиришганлиги ва суғурта фаолиятини тартибга

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг « 2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида » ги қарори .- Тошкент ш., 2010 йил 26 ноябрь, ПҚ-1438-сон

солувчи ваколатли давлат органларининг буйруқларини атайлаб бажармаганлиги, ҳамда суғурта қопламасини тўлашдан асоссиз бош тортганлиги учун суғурталовчиларга ҳуқуқий таъсир механизмларини кучайтириш.

2. Суғурта компанияларининг келгусидаги ўрни ва ривожланишини ошириш, уларнинг барқарорлигини устав капиталнинг минимал қийматига бўлган талабни босқичма – босқич ошириб бориш орқали таъминлаш; халқаро стандарт ва нормларга мувофиқлик асосида самарадорликни ошириш; улар томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг спектрини кенгайтириш.

3. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг, шу жумладан, аджастер, ассистанс, сюрвейер, актуарий ва суғуртада воситачилик хизматини кўрсатувчи шахсларнинг, фаолиятини кенгайтириш йўли орқали суғурта бозори инфраструктураси институтларини мустахкамлаш.

4. Электрон ҳужжат айланишига ўтиш, суғурталовчилар томонидан жорий молиявий, суғурта ва бошқа ҳисоботларни тақдим этишнинг ягона электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш.

Мамлакатимизда суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга, унинг барқарорлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган барча чора – тадбирлар суғурта хизматлари истъёмолчиларининг қонуний ҳуқуқларини ва эҳтиёжларини тўлақонли таъминлаш учун олиб борилаёпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ ҳамда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғуртачиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, шунингдек суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида

«Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон этилди.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг жадвалга (1-жадвал) мувофиқ суғурта фаолияти турларига қараб, суғуртачиларнинг устав капитали минимал миқдорларини 2012-2014 йиллар мобайнида босқичма-босқич, табақалаштирилган тарзда ошириб бориш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди, ишлаб турган суғурта компаниялари (суғуртачилар) устав капитали миқдорларининг ушбу қарорда белгиланган талаблар ва муддатларга мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминлаши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг талабларига жавоб бермайдиган суғуртачиларнинг лицензиялари амал қилишини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўхтатиб қўйиш ва тугатиш чораларини кўрилиши таъкидланган.

1-жадвал

Суғуртачилар учун устав капиталининг энг оз МИҚДОРЛАРИ⁴

(эквиваленти минг евро)

Суғурта фаолияти турлари	2012 йил 1 июлдан	2014 йил 1 июлдан
Умумий суғурта соҳасида	1 125,0*	1 500,0*
Ҳаётни суғурталаш соҳасида	1 500,0*	2 000,0*
Мажбурий суғурталаш бўйича	2 250,0*	3 000,0*
Фақат қайта суғурталаш бўйича	5 000,0*	6 000,0*

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сонли қарорига илова

Шубхасиз, қабул қилинаётган барча қарорлар ва ислоҳатлар мамлакатимизда суғурта соҳасига давлат миқёсда берилаётган юксак эътибордан далолат беради. Суғурта соҳаси жадал суръатлар билан ривожланаётган иқтисодиёт тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Суғурта ташкилотларига нисбатан солиқ сиёсати уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган, бу эса, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Суғурта ташкилотлари эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

Суғурта хизматлари бозорларини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталаш жараёнида кенг иштирок этишини рағбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда, ҳужжатга кўра, мол-мулкни суғурталаш ва инсон ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмайди. Ушбу солиқ имтиёзи суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш имконини беради.

Айни пайтда мамлакат суғурта бозорини ривожлантириш ва ишончлигини оширишда солиқларни ҳисоблаш ва тўлашда ўзига хос жиҳатларни кўзда тутадиган солиққа тортишнинг амалий тизими муҳим омил ҳисобланади. Йиллар давомида суғурта ташкилотлари учун солиқларни ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди.

Аввало меъёрий базага мурожаат қилсак. 2010 йилда бу борада асос ясовчи ҳужжатлар бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30

декабрдаги ЎРҚ-241 сонли «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни хизмат қилади.

Қайд этиш жозики, ўзига хос фаолият тури билан шуғулланувчи суғурта ташкилотларининг солиққа тортиш тизими бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан фақат фойда солиғи бўйича фарқланади. Солиқнинг ушбу тури бўйича 2010 йил учун ставка 9 % ҳажмида кўзда тутилган, яъни ўтган йилга нисбатан бир %га камайган.

Суғурта ташкилотлари ишловчилар сонига кўра кичик бизнес субъектларига киритилиши мумкин, ва субъектларнинг ушбу тоифаси ягона солиқ тўлови кўзда тутилган соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган мезонларга кўра микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирувчи ҳамда соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини танлаган суғурта ташкилотлари учун 2010 йилда ягона солиқ тўлови ставкаси 8 %дан 7 %га камайтирилган.

Суғурта ташкилотларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари Солиқ кодексининг 23 бобида белгилаб берилган. 2010 йилги Солиқ концепциясида солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларини батафсил аниқлаштирилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан юқорида кўзда тутилган қонунга оид ўзгаришлар Солиқ кодексининг 150-моддасига таъсир кўрсатди.

Эндиликда 150-модда «Суғурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинadиган даромадлари» деб номланади ва суғурта ташкилотлари хизматларини сотишдан олинadиган даромадлар рўйхатини белгилаб беради. Дастлаб модда «Суғурта ташкилотлари даромадларини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари» деб номланган. «Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадлар» деб номланувчи 130-моддага ўзгартишлар киритилганлиги ва айнан 130 модда солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалари, шу жумладан, суғурта

ташкilotларининг асосий фаолиятидан, яъни тушумидан олинадиган даромадларининг батафсил таърифлари билан тўлдирилганлиги сабабли 150 моддани суғурта ташкilotлари даромадларини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари деб номлашга зарурат қолмади.

Солиқ солинадиган даромад имтиёзини белгилашда суғурта ташкilotи Солиқ кодексининг 158 ва 159 моддаларида кўзда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, 30-моддага мувофиқ суғурта ташкilotлари ўзлари фаолият юритаётган бутун давр мобайнида тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872 сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган солиқ имтиёзи амал қилиб келмоқда. Унга кўра, 2008 йил 1 июндан бошлаб уч йил муддатга суғурталовчиларнинг дивидендлар ва %лар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида солиқ имтиёзларини акс эттириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872 сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланган (АВ да 2008 йил 17 апрелда 1838-сон билан рўйхатдан ўтган).

Белгиланган мезонларга кўра субъектлар - микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирувчи суғурта ташкилотлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872 сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари 2012 йил 1 январгача амал қилади. Мулк солиғи 2009 йил даражасида - 3,5 % миқдорида сақланиб қолган. Бунда норматив муддатда ўрнатилмаган жиҳозлар учун мулк солиғи ставкаси икки баравар ҳажмда тўланади. 2010 йилда қўшимча қиймат солиғи 2009 йил даражасида 20 % миқдорида сақланган.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига биноан киритилган ўзгартишларга кўра суғурта ташкилотлари томонидан ўз филиалларига мулкни бериш мол-мулкни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланмайди ва ҚҚСга тортилмайди.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи ва ер солиғи бўйича 2009 йилда амал қилган ставкалар 1,15 каррага индексация қилинди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси соф фойданинг 8 %и ҳажмида сақланиб қолган.

2010 йилда Республика йўл фондига чегирмалар ставкаси 2009 йил даражасида сақланиб қолган ва 1,5 %ни ташкил этади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан Пенсия жамғармасига мажбурий чегирмалар бўйича ставка 1,0 %дан 1,5 %га кўпайтирилди.

Мактаб таълими жамғармасига мажбурий чегирмалар 1 %дан 0,5 %га камайтирилди. 2010 йилга ижтимоий суғурта бўйича мажбурий бадаллар ва чегирмалар ҳажми кўпайтирилди. Жумладан, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 %дан 25 %га кўпайтирилди. Бунда ягона ижтимоий тўлов суммаси қуйидаги ҳажмда тақсимланади:

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 24,8 %;

- Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига - 0,1 %;
- Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига - 0,1%

Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳат-бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги қарорнинг 24 банди. Ушбу бандда белгиланган тартибга кўра ишлайдиган хотин-қизларга тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар иш берувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида суғурта тизимини изчил ривожлантириш, ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларга яратилган кафолатлар туфайли уларнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, “иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”.

Мамлакатимизда 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги, 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунлар суғурта бозорида фаолият юритувчи субъектлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2007-2010

йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури”, 2008 йил 21 майда қабул қилинган “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчи ташкилотларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётир. Шунингдек, соҳага оид бир қатор қонуности ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 24 июнда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни тўлақонли амалга оширишни таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги, 2008 йил 24 июнда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлиқ амал қилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги, 2008 йил 28 мартда озиқ-овқат буғдойининг барқарор суғурта фондини шакллантириш, давлат ресурсидаги озиқ-овқат буғдойидан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш ва ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган “Озиқ-овқат буғдойининг суғурта фондини ғамлаш, сақлаш, янгилаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2002 йил 27 ноябрда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техник базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий

ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш мақсадида қабул қилинган “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда “Ўзбекинвест”, “Кафолат”, “Ўзагросуғурта”, “Алском” СК ва бошқа кўплаб суғурта компаниялари барқарор фаолият кўрсатиши учун ишончли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-ва 18-моддаларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчада қуйидаги мақсадлар назарда тутилган:

Биринчидан, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш амалиётини мустаҳкамлаш ҳамда суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчи ташкилотларнинг моддий-техник базасини ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш ва аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 27 ноябрда қабул қилинган “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари билан ушбу қонун нормалари бир хилда қўлланишини таъминлаш. Шу боис “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси фақат қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчининг суғурта шартномаларини тузишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Юридик шахсни қайта ташкил этиш” деб номланувчи 49-моддасида юридик шахсни қайта ташкил этиш, яъни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклларида унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига

мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддаси билан мувофиқлаштириш, ушбу қонуннинг 18-моддаси олтинчи қисмига қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган давр учун ҳамда янгидан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунига қадар бўлган даврда улар янги суғурта шартномаларини тузишга, амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмасликлари ҳақидаги норма киритилди. Шунингдек, мазкур модда “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси билан мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилган суғурталовчининг лицензияси қайта расмийлаштирилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Юқорида келтирилган қонунлар, норматив ҳужжатлар ва стандартларга таянган ҳолда суғурта бозори ўз фаолиятини ривожлантириш, янги поғонага олиб чиқиш сари дадил йўналтириши мумкин. Жумладан, ахборот рискларини суғурталаш инновацион суғурта маҳсулоти бўлса ҳам, уни амалга оширишнинг услубий – ҳуқуқий асослари олдиндан ишлаб чиқилган ва унга суғурта истъъмолчилари орасида ўз миқдорларига эга бўлишга кўмаклашувчи норматив – ҳуқуқий база яратилиш арафасида.

Суғурталаш-кутилмаган ҳодисалар ёки табиий офатлар туфайли вужудга келган харажатларни қоплаш имконини берадиган ўзига хос хизмат турларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори жадал ривожланиб келаётган иқтисодиёт тармоқларидан бири бўлмоқда, бу эса мамлакат бозор иқтисодиёти ривожланишидаги муҳим омилдир.

2. «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ МИСОЛИДА СУҒУРТА МУНОСОБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш

Бугунги кунда бутун дунёда АКТни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган устуворликларнинг аҳамиятини англаш кучайиб бормоқда. Уларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилади. Улар одамларга ўз салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, барқарор иқтисодий ўсиш, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Почта алоқаси объектлари даромадлари йил сайин ортган бўлсада, почта тармоғини алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги улуши пасайиш суръатларига эга бўлган. Бундай ҳолатни салбий жараён деб ҳисоблаш мумкин, чунки, бевосита почта соҳаси янги ахборот технологияларини жорий этиш бўйича самарали фаолият юритганда, соҳа улуши юқори бўлар эди. Почта алоқаси соҳасида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва АКТга асосланган хизматлар курсатиш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда 2003 йилда корпоратив компьютер тармоғи (ККТ) ишга туширилди ва бу тизим орқали электрон хужжатлар алмашиш узлуксиз олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳозирги кунда бир нечта йўналишларда хизматлар кўрсатиб келмоқда. Тадқиқот ишимизда, почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни тўртта асосий гуруҳга бўлиб ўргандик. Бу гуруҳлар қўйидагилардан иборатдир:

- Почта хизматлари;
- Курьерлик хизматлари турлари;

- Қўшимча хизматлар турлари;
- Шартнома асосида кўрсатилаётган хизмат турлари.

Юқорида келтирилган тақсимотга асосланган ҳолда почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича хизматлар диверсификациясини таҳлили 2.1-жадвалда келтириб ўтамиз.

2.1-жадвал

Почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари бўйича ўзгариш динамикаси⁵, %

№	Хизматлар номи	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Жами даромад		100	100	100	100	100	100
1. Асосий хизмат турлари							
1.1	Хат жўнатмалари	4,4	4,1	4,0	3,8	3,4	3,5
1.2	Посилкалар	1,7	1,5	1,5	1,6	1,8	1,6
1.3	Пул жўнатмалари	3,7	4,2	4,1	5,1	7,3	6,3
Асосий хизматлари жами улуши		9,8	9,8	9,6	10,5	12,5	11,4
2. Шартнома асосида кўрсатилаётган хизмат турлари							
2.1	Нафақа тўловлари	47,1	52,5	52,9	51,7	49	51,3
2.2	Даврий нашрларга обуна	6,7	6,2	6,3	6,5	6,8	5,9
2.3	Даврий нашрларни сотиш	1,5	2,5	2,7	3,0	2,9	2,4
2.4	Телеграмма	0,2	0,2	0,3	0,4	0,35	0,2
2.5	Халқаро сузлашув	0,4	0,2	0,3	0,35	0,3	0,3
2.6	Курьерлик хизмати	0,7	0,8	1,1	1,15	1,45	1,3
Шартнома асосида хизматлари жами улуши		56,6	62,4	63,5	63,1	60,8	61,4
3. АКТ асосланган хизмат турлари							
3.1	Интернет, Электрон почта	0,056	0,02	0,015	0,02	0,02	0,02
3.2	Факс, ксерокопия	0,016	0,02	0,014	0,1	0,1	0,1
3.3	Электрон тўловлар	0,01	0,071	0,071	0,1	0,1	0,1
АКТ асосланган хизматлари жами улуши		0,08	0,2	0,1	0,2	0,2	0,2
4. Молиявий хизмат турлари							
4.1	Коммунал тўловлар	13	11,6	10,9	10,3	10,3	11,1
4.2	Абонент тўлови	1,0	0,5	0,4	0,5	0,3	0,4
4.3	Суғурга хизматлари	0,08	0,07	0,1	0,2	0,8	1,2
Молиявий хизматлари жами улуши		14,08	12,17	11,4	11,0	11,4	12,7
5. Бошқа хизмат турлари							
5.1	Лотарея сотиш	0,7	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4
5.2	Товарлар сотиш	3,6	3,4	3,5	3,2	3,8	3,5
5.3	Бошқа қўшимча хизматлар	14,9	11,4	11,5	11,6	10,9	10,4
Бошқа хизматлари жами улуши		19,2	15,2	15,4	15,2	15,1	14,3

⁵Ўзбекистон почтаси” ОАЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни асосий гуруҳлари таҳлили натижаларига кўра, даромаднинг асосий қисми шартнома асосидаги хизматлардан олинар экан, бу хизматлар улуши 2011 йилда 60,8 % гача этган бўлса, 2011 йил якунларига кўра 61.4 % ташкил этган. Демак, ўсиш 0,6 % тенг бўлган. Шартнома асосидаги хизмат турлари бўйича ўсишининг асосий сабаби нафақа тўловлари бўйича даромад улушини 2.3 % га ошишини кўрсатишимиз мумкин. 2011-2012 йилларда асосий хизматлари улуши 1.1 % га пасайганини кузатамиз, даромадлар ҳажмида шартномавий хизматлар улуши ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида молиявий қарамликка олиб келади. Хизматлар ҳажми ўзгариш динамикасида, АКТга асосланган хизмат ҳажми ўзгармаган, бу мувозанат АКТ жадал суръатлар билан ривожланаётган давр учун ижобий деб ҳисобланмайди. Молиявий хизматлардан олинган даромад 2012 йилга келиб 12.7 % ни ташкил қилган бўлса, бу ўтган даврга нисбатан 0.7% га ўсганини ифодалайди. Бошқа хизмат турлари эса 2011 йилга нисбатан 0.8% га камайган. (2.1- жадвал)

Хорижий компанияларнинг тажрибаси ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳисоблаш техникаси соҳасидаги энг янги ишланмаларга ва уларнинг амалиётда қўлланилишига, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда самарали инновация фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш ва мазкур соҳада илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришни муҳимлигини кўрсатмоқди. АКТ инфратузилмасининг ривожланиш кўрсаткичлари 2009 йилдан кескин бурилишларга олиб келганини кўришимиз мумкин. Бунда асосан интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сонини 3 бараварга ортиб борганини, мобил алоқадан фойдаланувчиларни 1.5-2 бараварга ортганини кўрамиз. Ривожланишнинг бу ҳолатини мобил алоқадан фойдаланувчиларнинг интернет тармоғидан мобил воситалари ёрдамида ишлатилиши сабаб сифатида қаралади. Бу вазифаларни ҳал этиш анъанавий ёндашувлардан муҳим равишда фарқланиб, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида халқаро аҳамиятга эга янги алоқа линияларини қуриш, қўшни

давлатлар операторларига интернет ва телекоммуникация транспорт каналларини ижарага бериш орқали тармоқнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш, халқаро сўзлашувлар трафигини кескин ортиб бораётганлигини инобатга олиб, бу имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш йўллари аниқлашни аҳамиятлилигини тақозо этади. Алоқа соҳасининг ривожланиши билан бир қаторда давлатимизнинг иқтисодий барқарорлиги мустаҳкамланади.

Қуйида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши таҳлилин кўриб чиқамиз. 2.2-жадвал.

2.2-жадвал

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ нинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари, млн.сўм⁶

№	Кўрсаткичлар номи	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Алоқа хизматларидан даромад	36 822,0	52 796,3	68 943,8	88 141,1	100 491,7
2.	Харажатлар	33 957,8	47 889,9	62 075,4	79 502,4	94 402,8
4.	Соф фойда	1 319,4	1 883,5	2 939,9	3 686,4	3 923,3
5.	Нафақа тўловларининг умумий даромаддаги улуши	47,1	52,5	51,6	54,5	49
6.	Ўртача иш ҳақи (1 ходимга)	89 943	134 741	186 686	257 855	290 600
7.	Сотиб олинган асосий воситалар	2 252,9	2 292,9	3 182,4	2 484,5	31316,3


2.2-жадвалдан кўриб турганимиздек, йиллар ҳисобида олсак, алоқа хизматларидан даромад 2011 йилда ўтган даврга нисбатан 14%га ошган бўлса, харажатлар эса 2010 йилга нисбатан 14900.4 млн.га ўсган, соф фойда ҳажми 236.9 млн.га ошган, нафақа тўловларининг умумий даромаддаги улуши ҳажми базис йилга нисбатан 10 %га камайган. Ўртача иш ҳақи миқдори 2011 йилга келиб 346 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 88 195 сўмга ошганидан далолат беради. Сотиб олинган асосий воситалар 2011 йилда ўтган давр ичида 12.5 мартадан ошган. Шунингдек, 2012 йил режада соф фойда 3

⁶«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 2009-2012; 2012-2014 йил учун тузилган бизнес режаси асосида муаллиф томонидан тузилган

млрд сўм деб белгиланган бўлса, йил якунида режа 2.23 марта ошиғи билан бажарилганинг гувоҳи бўламиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш корхонанинг салоҳиятини ортишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси соҳасига чет эл ҳамда республика ичидаги молиявий манбалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ фақат 2010 йилга келиб банк кредит ресурсларидан фойдаланган. 2010 йилда банкдан жалб этилган кредит ресурслари миқдори 1 560.0 млн сўмни ташкил этган. Бугунги кунга келиб банк кредит ресурслари бўйича қарздорлик мавжуд эмас.

Почта алоқасининг АКТ инфраструктурасида олинанаётган даромад киймати ўзгаришига, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантиришда ходимларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бу ўринда соҳа корхоналари ходимларининг ўртача иш ҳақилари таҳлилини кўриб чиқамиз. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар ўртача иш ҳақининг таҳлили 2.1– расмда келтирилган.



2.1-расм. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар бўйича ўртача иш ҳақи динамикаси, минг сўм⁷

⁷ЎзААТТДҚ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳамда йирик миллий операторлар бўйича ўртача иш ҳақи ҳақи динамикаси таҳлилига кўра «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўйича ўртача иш ҳақи миқдори йиллар давомида ортиб боришига қарамасдан соҳа бўйича ўртача иш ҳақи миқдorigа нисбатан паст даражада. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, агар 2006 йилда почта алоқаси соҳаси бўйича иш ҳақи соҳадаги ўртача иш ҳақи 68 %ини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 71%, 2008 йилда 76 %, 2009 йил якунлари бўйича 79 % ҳамда 2010 йил якунлари бўйича эса 80 %га тенг бўлган. Ўртача иш ҳақи миқдори сезиларли даражада ортган бўлсада жамият олдида почта алоқаси ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича чора тадбирларни кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бугунги кунда почта алоқаси ходимлари иш ҳақини ўртача даражаси бўйича паст курсаткичга эга

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, соҳани ривожлантириш ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида янги почта хизматлари рекламасини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бўйича тадбирларни жадал амалга ошириш лозим.

Почта алоқаси соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш заминида, рентабеллик ва самарадорлик даражаси паст бўлган ҳамда истеъмол хусусиятини йўқотган хизматлардан воз кечиб, янги замонавий, юқори рентабеллик ва самарадорлик даражасига эга, энг асосийси эса истеъмолчилар эҳтиёжларига мос келувчи хизматларни жорий этишни тушуниш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бу жараённи доимий равишда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки кучли рақобат шароитида ҳар бир хизматни кўрсатиш учун маълум миқдорда харажат ва ресурслар талаб этилади. Ҳар бир иқтисодий жараёнда қатнашувчи ресурслар маълум бир миқдорда чегараланган бўлади. Чегараланган ресурслардан самарасиз фойдаланиш эса рақобатбардошликни пасайишига ҳамда бозор сегментини йўқотишга олиб келади. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни модернизация

қилиш шароитида маркетинг ва инновацион фаолиятни, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожланиши ҳамда улар заминида янги хизмат турларини жорий этилиши бевосита почта алоқаси соҳасида ҳам хизматлари нуфузини кучайтиришни тақозо этади.

Почта хизматлари соҳасида маркетинг фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳада қўшимча хизмат турларини кенгайтириш бир томондан истеъмолчилар талабини қондирувчи почта хизматларини жорий этиш ҳамда кўрсатишга замин яратса, иккинчи томондан қўшимча хизмат турларини кенгайтириш орқали қўшимча даромад манбаини шакллантиришга асос бўлади. Почта хизматлари диверсификациясини кучайтиришдан яна бир асосий мақсад соҳасини ташқи молиявий манбаларга қарамлигини камайтиришдир. Таҳлил натижаларига кўра шартнома асосида кўрсатилаётган хизматлари почта даромадларидаги улуши 2007 йилда 56,6 % тенг бўлса, 2008 йилга келиб 5,8 % ортган ҳамда 62,4 % ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 63,5 % тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 63,1%. 2012 йилга келиб бу хизмат турининг улуши 64.2 % ташкил этган. Бу рақамлар ҳам соҳада хизматлар соҳасида инновацион кучайтириш лозимлигини исботлайди.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида почта алоқаси соҳасида инновацион фаолиятини ривожлантириш, почта алоқаси соҳасини рақобатбардошлигини оширадиган ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлайдиган асосий воситалардан бири соҳани юқори самара берадиган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондирувчи ўзига тегишли хизматларга эга бўлишидир.

Ҳозирги пайтда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ универсал почта хизматлари бозорида монополист ҳисоблансада, қўшимча хизмат турлари бўйича кўрадиган бўлсак, кучли рақобатга дуч келамиз, жумладан, курьерлик хизматлари бўйича 10 дан ортиқ курьерлик ташкилотлари фаолият юритмоқда, пул жўнатмалари бўйича эса 20 дан ортиқ банклар, коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи

ташкilotлар фаолият олиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, универсал почта хизматлари бугунги кунга келиб паст самара берадиган хизмат турлари гуруҳига тегишли эканлигини юқорида келтирилган таҳлил натижалари ҳам исботлади. Демак, соҳани ривожлантириш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган универсал хизмат турларини янги ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш ҳамда кучли рақобатга эга бўлган қўшимча хизмат турларини жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.


2.2. Почта алоқаси соҳасида АКТдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ мамлакатимизда аҳолининг почта хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондирувчи ягона монопол корхона ҳисобланиб, бугунги кунда замонавий ва янги хизмат турларини кўрсатишда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Хусусан, соҳада АКТга асосланган янги ва қўшимча хизмат турларини такомиллаштириш давом этмоқда. Ушбу бўлимда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг ҳозирда АКТ билан таъминланганлик ҳолатини таҳлил этилиб, самадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилади.

Даставвал таҳлилни персонал компьютер билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилишдан бошлаймиз. Чунки таҳлил асосини ушбу кўрсаткич ташкил этади. (2.2- расм)

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютерлар билан таъминланганлиги таҳлилига кўра 2012 йилнинг якунлари бўйича жами 2921 дона компьютер мавжуд экан. Бу курсаткич 2011 йил якунларига кўра қарийб 500 донага ортиқдир. Лекин, мавжуд компьютер техникасининг 248 донаси интернет кафеларда, 113 донаси бошқарув аппаратида ҳамда 426 донаси Тошкент почтампти филиалида

ишлатилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак ушбу кўрсаткич нисбатан анча пастлигини кўришимиз мумкин. Яна бир ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик лозимки ахборот коммуникация технологиялари даври ҳисобланган даврда ҳар бир почта алоқаси шахобчаларини тўлиқ ахборот технологиялари билан таъминлаш лозимдир.



2.2-расм. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда мавжуд АКТлар сони, дона


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютер мавжуд почта алоқаси объектлари сони таҳлиliga кўра мавжуд 2986 дона почта алоқаси бўлимларидан фақат 55 %и яъни 1646 почта алоқаси объектлари компьютер билан таъминланган. Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида қаралади. (2-расм). Принтерлар билан таъминлаш орқали турли янги қўшимча хизмат турларини жорий этиш имконияти туғилади. Жумладан таклифномалар, буклетлар, турли рангли жилдларни ишлаб чиқиш ҳамда сотиш каби хизматларни жорий этиш ва кўрсатиш.

Почта алоқаси бўлимларини янги ахборот технологиялари билан таъминланганлигини баҳолаш замирида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йулларини белгилаб олиш имконияти вужудга келади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютерлар билан таъминланганлиги таҳлилида ушбу талаб бажарилмаётганлигини кўришимиз мумкин. Чунки бугунги кунда акциядорлик жамияти таркибида 2986 донга почта алоқаси шахобчалари фаолият юритмоқда. Демак, почта алоқаси шахобчаларини компьютер техника ҳамда янги ахборот технологиялари билан таъминланганлик даражасини оширмас эканми янги хизмат турларини жорий этиш масаласини ижобий ҳал этиб бўлмайди. Сўзимизни исботини кейинги жадвалларда келтирилган таҳлили маълумотлардан топишимиз мумкин.

Хусусан, почта алоқаси соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилмоқ лозим, зеро Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-4475- сон қароридаги асосий устивор вазибалар қаторида кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакавий саводхонлигини ошириш туради. Юқоридагиларни инобатга олиб, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ АКТни ривожлантириш, ходимларнинг малакасини оширишда ихтисослаштирилган ўқув марказлари ва корхонанинг ўзида ташкил этилган ўқув машғулотларида ходимларнинг замонавий ахборот технологиялари, электрон почта, электрон пул ўтказмалари, рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими (РОПЖН) дастури, «Пул тўловларини қабул қилиш автоматлаштирилган тизими» дастури, «Автоматлаштирилган пенсия тўловлари ҳисоб китоби ва назорати тизими» (АПТНТ) дастури, «Пенсия» АТ дастурида ишлаш бўйича малакалари оширилиб келинмоқда. Чунки, замон талабларига жавоб бера оладиган малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси корхонада АКТ асосидаги самарадорликнинг ўсишида бевосита қатнашадиган омилдир. Соҳа корхоналари қай даражада замонавий, инновацион ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланган бўлмасин, улардан самарали фойдалана

оладиган кадрлар бўлмаса, самарадорлик тўғри пропорционал ўсмайди.



2.3-расм. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда АКТ бўйича малака оширган ходимлар сони⁸

2.3-расмдан шуни кузатишимиз мумкинки, 2008 ва 2011 йилларда кадрларни АКТ бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида кўплаб семинар, тадбирлар амалга оширилган. 2011 йилга қарасак, компьютерлаштириш даражаси ҳам нисбатан юқори булиб (26 %га ошган), бу ўриндаги талаб борлигини изоҳлайди. Кейинги ўринда Жамият ва нинг таркибидаги филиаллар бўйича замонавий АТ замонавий давлат инновацион тараққиётининг асослари, Интернет, электрон почта ва бошқа янги хизмат турларини жорий этиш, «Электрон пул ўтказмалар» автоматлаштирилган тизимдан фойдаланиш, «Рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари ўтишини назорат қилиш автоматлаштирилган тизими» дастуридан самарали фойдаланиш бўйича малака оширган раҳбар ходимларнинг умумий улушдаги ходимлардан неча фоиз ташкил этишини кўриб чиқамиз. (2.3-жадвал)⁹

⁸«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

⁹«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

2.3-жадвал

Жамият таркибидаги раҳбар, мутахассис ва техник ходимларнинг АКТ бўйича малака оширганлилик таҳлили, фоиз ҳисобида

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Жамият таркибидаги жами ходимлар сони	15035	15006	15035
2	Шу жумладан, раҳбар, мутахассислар ва техник ходимлар сони	4781	5914	5430
3	АКТ бўйича малака оширган ходимлар сони	392	1788	1963
4	Фоиз ҳисобида, АКТ бўйича малака оширган раҳбар ва маъмурий бошқарувда ишлайдиган ходимлар	8.2 %	30%	36 %

Маъмурий бошқарувда бевосита иштирок этадиган Жамият таркибидаги ходимларнинг компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси ходимларнинг АКТ бўйича меҳнат самарадорлигига таъсир этувчи фактор сифатида баҳоланади. Шунинг учун 4-жадвалда Жамият таркибидаги раҳбар, ходимларнинг компьютер билан таъминланганлик даражасига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

2.4-жадвал

Жамият таркибидаги раҳбар, ходимларнинг компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси. (фоиз ҳисобида)¹⁰

№	Жамият ва филиалларда таркибида хизмат кўрсатаётган ходимлар сони	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Жамият ва филиалларда хизмат кўрсатаётган жами раҳбар, ходимлар сони	15035	15006	15035
2	Шу жумладан, маъмурий бошқарувда бевосита қатнашадиган раҳбар, ходимлар сони (раҳбарлар+мутахассислар+техник ходимлар)	4781	5914	5430
3	Жамият ва филиалларда таркибида мавжуд персонал компьютерлар сони	2035	2448	3082
4	Компьютерлаштириш даражаси, % ҳисобида	43 %	41 %	57 %

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, почта алоқаси соҳасида компьютерлаштириш даражаси пастлигини гувоҳи бўламиз, бу ўз-ўзидан АКТ

¹⁰«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш даражаси тезлиги, сифати ва самарадорлигига бевосита таъсир ўтказди. Олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, соҳада компьютерлаштиришни юқори дапажага кўтариш бир қатор устунликларни беради:

- Замон талаби бўлган янги интерактив хизмат турларини ишлаб чиқиб уни жорий қилиш;
- Ходимларнинг АКТга асосланган меҳнат унумдорлигини ошириш;
- Почта хизматларини кўрсатишда сифат ва тезликни ошириш;
- Аҳолига янги технологияларга асосланган юқори сифатли хизмат кўрсатиш.

Таъкидлаш лозимки, ахборотлашган жамият шаклланаётган бир шароитда почта алоқаси объектларида интернет хизматларини кўрсатиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда почта алоқа тармоқларида ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш мақсадида 47 та Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари, яъни «Интернет кафе»лар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ва почта алоқаси соҳасида интернет хизматларидан фойдаланишда асосий кўрсаткичлар динамикаси таҳлилини 2.5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин.

Бутун дунёни қамраб олишга улгурган глобал тармоқ интернет тақдим этиб келаётган корхонада замонавий технологияларга асосланган ва унинг ҳудудий филиалларини интернет кафелар билан таъминланганлиги таҳлиliga кўра почта алоқаси соҳасидаги интернет жамоа пунктлари сони 2012 йилга келиб 47 тани ташкил этган, бу эса ўтган 5 йил ичида 3 тага ошганини кўрсатади. Яъни аҳолининг глобал тармоққа бўлган эҳтиёжи ошиб бориши билан бир қаторда

2.5-жадвал

Почта алоқаси соҳасида интернет хизматларидан фойдаланишда асосий кўрсаткичлар динамикаси¹¹

№	Кўраткичлар номи	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1	Почта алоқаси соҳасидаги интернет жамоа пунктлари, дона	31	44	44	49	48	47
2	Почта алоқаси бўйича халқаро ахборот тизимларига уланиш тезлиги, Мбит/с	128	256	512	512	512	512

почта соҳасида ҳам аҳолининг талабини қондиришда ушбу хизмат турини кўрсатувчи субъектлар сони кўпайтирилган. Почта алоқаси тармоғида интернет кафелар фаолиятини ривожлантириш орқали янги хизмат турларини кўрсатиш имконияти яратилади. Жумладан, интернет хизматлари, электрон почта, электрон тўловларни қабул қилиш, электрон хужжат алмашувини таъминлаш ва ҳоказалар.

Шунингдек, соҳада халқаро ахборот тизимларига уланиш тезлиги бўйича бир хилдаги тезлик қайд қилинганини кузатамиз.



2.4-расм. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини персонал компьютер мавжуд почта алоқаси объектлари сони таҳлили¹²

¹¹«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹²«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини серверлар билан таъминланганлиги таҳлили маълумотларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий филиалларида жами 212 дона сервер қурилмаси ўрнатилган. Сервер қурилмаларининг асосий вазифаси бевосита интернет ҳамда ички тармоқни фаолият юритишини таъминлашдан иборатдир. Сервер қурилмаси мавжуд бўлган ҳолатлардагина янги замонавий хизмат турларини жорий этиш имконияти пайдо бўлади. Баъзи филиалларда серверлар сонининг нисбатан камлиги бевосита ушбу филиалларда янги хизмат турларини жорий этиш бўйича муаммоларни келиб чиқармоқда.

Бутун жаҳонда ахборот коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган шароитда, шунингдек, жаҳон почта алоқаси тармоғида ахборот коммуникация технологиялари тезкорлик билан жорий этилаётган вақтда интернет ва ички тармоққа уланиш учун бирламчи восита ҳисобланган компьютер техникаси билан таъминланганлик даражаси юқори бўлиши талаб этилади. Ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси 100 % бўлгандагина янги замонавий хизмат турларини жорий этиш, виртуал хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, МДХ давлатлари орасида Россия, Белорус, Украина каби давлатларда кибер-почта жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу давлатларда анаъанвий хизмат турлари билан бир қаторда янги замонавий ахборот технологияларига асосланган виртуал муҳитда ишлайдиган хизматлар ривожланиб бормоқда. Янги ахборот коммуникация технологияларига асосланган хизмат турларидан бири бу биллинг тизими ҳисобланади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг ҳудудий филиалларини биллинг тизимига уланган почта алоқаси объектлари сони сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, булар

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сон «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон тижорат тизими транзакцияларида олинган кўчирма (электрон чеклар)ни банк терминаллари чекларига тенглаштириш назарда тутилган.

2012 йил якуний маълумотларига кўра, Жамиятнинг 164 алоқа бўлими «Ўзбектелеком» АКнинг ТШТТ филиали биллинг (электрон ҳисоб китоб) тизимига уланди ва аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Почта алоқаси соҳасида электрон ҳисоб-китоб тизимига уланган бўлимлар ва янги хизмат турлари ҳақидаги таҳлилий маълумотлар 2.6-жадвалда келтирилган.

2.6-жадвал

Ўзбекистонда ва почта алоқаси соҳасида янги ахборот технологияларига асосланган хизматлар кўрсатишнинг асосий кўрсаткичлар динамикаси¹³

№	Кўраткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1	Почта алоқа корхоналарида биллингга уланган почта бўлимлари сони, дона	147	150	164	164	164
2	Почта алоқаси объектларидаги электрон пул ўтказиш хизматини кўрсатувчи объектлар сони, дона	216	216	403	688	945
3	Почта алоқаси соҳасидаги виртуал магазинлар сони, дона	1	1	1	1	1

2.6-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра фақат почта алоқа корхоналарида биллингга уланган почта бўлимлари сонидан 3 йил давомида

¹³«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Ўзгаришсиз бўлиб, биллинг тизими авзалликларини, истиқболларини ишлаб чиқиш бўйича маълум вақт ичида салмоқли ишлар амалга оширилмаганини кўрсатади, зеро замонавий интерактив хизмат турлари ривожланиб бораётган бир даврда мавжуд тизимнинг авзалликларини соҳада кенг қўллаш давр талабидир. Почта алоқаси объектларидаги электрон пул ўтказиш хизматини кўрсатувчи объектлар сонини кескин ўсиши ижобий кўсаткич бўлиб, 2012 йил ҳисоби билан олдинги 5 йил ичида нисбатан 4.4 мартага ошганини кўрамиз. Ушбу хизмат турига инновацияларни жорий қилиш, замонавий АКТ билан таъминланиш кўрсаткичи даромадни оширишга хизмат қиладиган омиллардандир.

Почта алоқаси соҳасидаги виртуал магазинлар сони 5 йил ичида ҳеч қандай ўзгариш қайд қилинмаган. Натижада, почта алоқаси соҳасидаги виртуал магазинлар улуши жами виртуал магазинларни 2.8% (пасайиш-0.3ташкил этган. Бу йуналишда ҳам кечиктириб бўлмайдиган чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва хизмат курсатиш жараёнига жорий этиш лозим. Зеро, Президентимизнинг «2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида»ги маърузасида 2013йилда иқтисодий ривожланиш дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасига: халқаро ва тармоқ стандартларини, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторлари тизимини амалиётга жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллари жорий этиш, коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, ахборот узатиш тезлигини ошириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан юқори

тезликда кенг полосали фойдаланишни таъминлаш, Интернет тармоғида турли йўналишдаги замонавий маҳаллий веб-ресурсларни яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси кўйилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини модернизация қилиш ва унитубдан ислоҳ қилиш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари ва дастурлар ишлаб чиқилиб, барча тармоқларнинг вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, почта алоқаси соҳасининг бу ўриндаги қилиниши керак бўлган ишлари жуда кўпдир.

Соҳада корпоратив компьютер тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилган бўлиб, электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) ва пул тўловларини қабул қилиш автоматлаштирилган тизим (ПТҚК)ларида, Е-Нужат, Е-хатда электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитлари қўлланилиб келинмоқда.



2.5-расм. Мамлакатимиз почта алоқаси соҳасида фойдаланиб келинаётган электрон рақамли имзо калитларининг сони¹⁴

Почта алоқаси соҳасида электрон рақамли имзодан фойдаланиш ва электрон тижоратни асосий кўрсаткичлар динамикаси таҳлилига бир қатор ижобий натижаларга эришилган, жумладан, 2012 йилга келиб почта алоқаси соҳасида электрон рақамли имзо калитларининг рўйхатга олиш марказлари

¹⁴«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

томонидан берилган калитлар ва калит сертификатларининг сони 1792 тани ташкил қилиб, бу кўрсаткични 2010 йил билан солиштирсак, 836 тага ошган.

ОАТБ «Алоқабанк» билан ҳамкорликда вилоят ва туман марказларида пластик карточкалар билан ишлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва унга биноан филиалларда тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисида 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарорига кўра «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг аҳолига хизматлар кўрсатувчи почта бўлимларида пластик карточка терминаллари ўрнатиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширмоқда.




2.6-расм. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўйича пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш терминаллари¹⁵

2.6-расмга кўра 2012 йил якунлари ҳолатида пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операцияларни амалга оширишда Жамият ва унинг ҳудудий филиалларида АТ «Алоқабанк» ва бошқа банклар билан ҳамкорликда ўрнатилган 1223та пластик карточка терминаллари орқали аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилган. Бу

¹⁵«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

кўрсаткични ўтган давр билан солиштирсак, йил давомида 231 та пластик карточка терминаллари хизмат кўрсатишга йўналтирилган, бу эса улушни 23 %ортишига сабаб бўлган. Агар 2010 йил ҳолати билан солиштирсак, 2012 йилга келиб пластик карточка терминаллари билан хизмат кўрсатиш 2.09 мартага ошгани кузатамиз. Бу ўринда ҳозирги кунда «Алоқабанк» билан тузилган қўшма тадбирлар режасига мувофиқ почта алоқаси тармоқларида ҳам пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш терминаллари йўналиши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Почта алоқаси соҳасини хизматлари самарадорлигининг инновацион хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичларнинг киритилиши хизмат кўрсатиш тизими фан-техника ютуқларига қанчалик ҳозиржавоблигини ва уларни қанчалик тез ишлаб чиқаришга тадбиқ этаётганлигини аниқлаш имкониятини беради. Қуйидаги 8-расмда почта алоқасида АКТга асосланган хизматлардан олинган даромад таҳлил келтирилган.



2.7-расм. Почта алоқасида АКТга асосланган хизматларидан олинган даромад таҳлили, млн сўм¹⁶

¹⁶“Ўзбекистонда почта алоқаси хизматлари самарадорлигини ошириш” Х.М.Бобомуродов. Т-2010

2.7-расмга мувофиқ Ўзбекистон почта соҳасига ахборот коммуникация технологияларига асосланган электрон тўловларни қабул қилиш, электрон пул ўтказмалари, ксерокопия ва факс, электрон почта ҳамда интернет хизматларни тадбиқ этилаётганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон почтаси жорий этган электрон пул ўтказмаларига талаб йилдан-йилга юқори тезликда ўсиб бормоқда. 2006-йилда жорий этилиб ва шу йили 30,8 млн.сўм даромад олиб келган бўлса, 2012 йилга келиб, бу кўрсаткич 630 млн. сўмни ташкил этди. Интернет хизматларидан олинган даромдлар 2012 йилда ўтган даврга нисбатан 1.5 марта ошганини кузатамиз. Лекин инновацион йўналишда почта соҳаси ўз имкониятларида самарали фойдаланмаётганлигини тавсифлаш мумкин.

3. ПОЧТА АЛОҚАСИ СОҲАСИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Почта алоқаси соҳасида янги интерактив хизмат турларини жорий этиш

Бугунги кунда интерактив хизматлар кўрсатиш давр талабидир. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат интерактив хизматларини тақдим этиш тизимини ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига қаратилган кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, рақамли телерадиоузатиш, миллий телекоммуникация тармоғи, «Электрон ҳукумат» тизими, миллий ахборот тизимларини ва интернет тармоғидаги мамлакатимизнинг миллий сегментини янада ривожлантирилиши- асосий вазифалардан биридек қаралмоқда.

Интерактив хизматлар ҳақида сўз юритилганда, унинг асосий мазмун моҳиятига қисқача изоҳ бериш ўринлидир. Интерактив¹⁷ (инглизча interaction «ўзаро муносабат, таъсир, ҳаракат ва ҳ.к») объектлар орасидаги ўзаро таъсир, муносабат ва ҳаракат характери ва даражасини кўрсатиб беришдир. Интерактив¹⁸ - ташкил этилган тизимнинг элементлари ўртасидаги ахборот алмашинувини таъминлаш тамойилидир. Интерактив тизим элементлари ушбу тизимдаги барча элементларнинг ўзаро таъсири бўлиб, бошқа тизим ёки фойдаланувчи(шахс) ўртасида ўзаро ҳаракат ва таъсир ёрдамида бажарилган амалларда содир бўлади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, интерактив хизматлар тушунчасига қўйидагича изоҳ беришни ўринли деб ҳисоблаймиз:

Интерактив хизматлар- ахборот технологиялари ёрдамида яратилган ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг муайян мақсадларига хизмат кўрсатиш учун ўзаро муносабат, таъсир ва ҳаракатдир. Бунда ахборот технологияси сифатида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш

¹⁷John Simpson & Edmund Weiner. The Oxford English dictionary, Second edition, Oxford University Press. 1989

¹⁸Wikipedia Free Encyclopedia. <http://en.wikipedia.org/wiki/>

ва тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар тушунилса, ахборот ресурси эса ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасини англатади.

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида кўрсатиладиган интеркатив хизматларининг қўлланилиши ва тадбиқ этилиши ўз ўрнида қуйидаги соҳаларга бўлинади:

Умумдавлат миқёсида, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат органлари ўртасида аҳолига, тадбиркорларга ва идоралараро маълумотлар алмашиш эвазига яратиладиган хизматларнинг ўзаро муносабати тизими;

Ташкилот, корхона ва фирмалар миқёсида, мазкур ташкилотнингтасосий мақсади ва хўжалик фаолиятида ишлаб чиқиладиган моддий товарлар ҳамда тақдим этиладиган хизматларнинг истеъмолчилари ўртасида электрон ахборот алмашинувининг ташкилий, технологик ва ижтимоий ўзаро муносабатлар тизими;

Аҳолининг ички талаби ва эҳтиёжларини давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат органлари, ташкилот, корхона ва фирмалар ўртасида электрон ахборот алмашинувида содир этиладиган ўзаро муносабатлар тизими.

АКТни жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида бугунги кунда Давлат ахборот ресурслари умумий сони 195 тага етди. Интерактив давлат хизматларининг умумий сони 197 тани ташкил қилди. 2013 йилда 173 та интерактив хизматлардан иборат давлат хизматларини интерактив шаклга ўтказиш бўйича Манзилли дастур ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ жорий йилнинг 1-чорагида режалаштирилган 39 та интерактив давлат хизматларидан 33 таси (85 %) ишга туширилди.

АКТ соҳаси ривожланишини асосий кўрсаткичлари таҳлилига кўра WWW.UZ каталогигадаги сайтлар сони 2012 йилда 7 737 тани ташкил этиб бу

сайтларга ташриф 2011 йилда 2012 йилга нисбатан 31 % га ортанини кўрамиз. Шунингдек, интерактив давлат хизматлари 2011 йилда 435 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 479 тага етиб, ИДХ ҳажмининг 10% га ошиши ахборотлашган жамиятда электрон ҳукумат жорий қилинишидаги ижобий кўрсаткич сифатида қайд қилинади. Давлат органлари ахборот тизимларининг 24.3 % га, яъни 26 тага ошиши ҳам ижобий натижадир. Шунингдек, дастурий маҳсулотлар сони 2012 йилда 318 та атшкил этиб, 3.5 % га ўсиш билан ифодаланиди. 2012 йилда электрон ҳужжат алмашинуви ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 238 848 та ЭРИ калитларидан фойдаланилмоқда. Бу кўрсаткичларнинг янада юқори коэффициентда акс этиши мамалакатимиздаги АКТ соҳасининг нуфузи ва салмоғини белгилаб берар экан, бу бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўйидагилардан иборат:

1.Электрон ҳукумат тизимини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар режадан орқада қолмаслик;

2.“Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш доирасида ишлаб чиқиляётган ягона интерактив давлат хизматлари портали техник топшириғини ўз вақтида амалга ошириш;

3.АКТни жорий этилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш тизими тўлиқ шакллантириш.

АКТдан фойдаланган ҳолда интерактив хизматларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний шахсларга, хусусан, фуқароларга, юридик мақомдаги шахсларга ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилиши ҳамда ташкилот, муассаса ва идоралар билан ўзаро электрон ҳамкорлигини амалга оширилишига, одатда, давлат интерактив хизматлари сифатида қаралади. Бунда АКТдан фойдаланган идоралар томонидан уларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникация тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга

кўрсатиладиган хизматлар интерактив давлат хизматини кўрсатиш деб ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида, «Электрон ҳукумат» тизимини жорий қилишнинг муҳим уч жиҳатлари мавжуд деб ҳисобланади:¹⁹

Биринчидан, электрон бошқарув тизимини жорий қилиш;

Иккинчидан, асосий ва зарур лойиҳаларни белгилаб олиш;

Учинчидан, бошқарувнинг ахборот инфратузилмасини шакллантириш.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат» нинг ғояси негизда ягона бир комплекс инфратузилма сифатида Ҳукумат портали ва бошқа инфратузилмалар орқали фуқароларга ва тадбиркорларга хизмат кўрсатишнинг туб негизи ҳисобланади. (3.1-расм)



3.1-расм. Электрон ҳукуматнинг концептуал механизми

Хусусан, республикамызда почта соҳасини модернизация қилиш ва инновацион, интерактив хизмат турларини кўпайтириш ва жорий қилиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Бу ўринда шани алоҳида таъкидлаш лозимки, 2012 йил ҳисобида почта соҳаси даромадининг 51.3 % пенсия тўловларини етказиб бериш, 23.4 % почта хизматлари кўрсатиш ва 25.3% бошқа хизмат

¹⁹ Recommendation for ICT development in Uzbekistan, Korean Project Team For Uzbekistan Informatization, 2012, 39

турларидан олинган. Бу ҳолат бўйича қарасак, Пенсия жамғармаси 2012 йилда «Пенсия» автоматлаштирилган дастури тизимига ўтган бўлиб, бу борада кўплаб ишлаб амалга оширилиб келинмоқда, хусусан, аҳолига тез ва сифатли, ишончли ва қулай хизмат кўрсатиш мақсадида, пенсия ва бошқа турдаги тўловларни банк пластик карточкалари орқали тарқатиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу эса ўз ўрнида, мамлакатимиз почта соҳасининг энг кўп даромад олиб келаётган хизмат турининг бутунлай йўқ булиб кетишида хавф борлигини билдиради. Шунинг кчун ҳам, почта соҳасида янги интерактив хизмат турларини ишлаб чиқиш ва уни жорий қилиш унинг келажакдаги фаолиятини ҳал қилувчи ягона йўл дея эътироф этишимиз мумкин.

Шу хусусда, хориж тажрибасига назар солсак, Япония почтасида 2012 йил ҳисобида олинган даромадларнинг 30%и банк хизматларидан, 30 %и суғурта хизматларидан ва 40 %²⁰и почта хизматларидан келиб тушган.

2012 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «ALSKOM» СК билан қўшма буйруғига асосан қўшимча хизмат сифатида суғурта полисини етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди ҳамда бу мамлакатимиз почта соҳасида улкан ютуқлардан бири бўлди. Чунки бу фаолият тарафларнинг юқори даромад олиш мақсадларини бирлаштирди. Бугунги кунга қадар почта алоқаси орқали 120 минг та суғурта полислари сотилган бўлиб, бу амалга оширилаётган ишларнинг шиддат билан олиб борилаётганини ифодалайди. Мамлакатимизда почта соҳасини 2017 йилгача ривожлани концепциясидаги таклифга кўра, соҳа фаолияти орқали аҳолига мажбурий суғурта полисларини ҳам сотишни йўлга қўйиш учун бир қатор муаммоларни бартараф этиш лозим:

- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда суғурта полисларини етказиб бериш хизмати «Қўшимча хизмат» туридан «Асосий хизмат» тури мақомини олиши лозим;
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «суғурталовчи» статуси (номи)га эга бўлиши керак;

²⁰www.post.japanpost.jp

- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ мажбурий суғурта полисларини сотишни йўлга қўйиш;
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва ресурслари суғурталашни ривожлантириш;
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ходимларини суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича малакаларини ошириш;
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ интерактив хизмат тури сифатида интернет суғуртани йўлга қўйиш;
- Почта ходимларининг АКТ ривожланиши бўйича бандилиги таъминлаш.

Бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 2017 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш концепциясида автоматлаштирилган тизимлар сонини кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, интерактив хизмат кўрсатиш бўйича эътибор чуқур қаратилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

3.1-жадвал


**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва унинг худудий филиалларида
автоматлаштирилган тизимларни жорий қилиш бўйича 2017 йилгача
режа курсаткичлари²¹**

№	Автоматлаштирилган тизимлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1	Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби тизими	147	2460	2460	2460	2460	2460
2	Тўловларни қабул қилиш тизими	163	1319	1604	1889	2174	2460
3	Электрон пул ўтказмалари	945	1157	1482	1808	2134	2460
4	Рўйхатга олунувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими	389	489	600	720	855	990
5	Обунани қабул қилиш тизими	163	1157	1482	1808	2134	2460

²¹«Ўзбекистон почтаси» ОАЖни йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси соҳасида интерактив хизмат турларини жорий этиш бўйича таҳлилий маълумотлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Интерактив хизматларини тақдим этиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари унинг ўзига хос хусусиятли жиҳати бўлиб, алоҳида аҳамиятга эга. Уни юқоридаги 3.2-расм орқали ифодалаш ўринлидир²².



3.2-расм. Интерактив хизматларни тақдим этиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари²³

Бугунги кунда Ўзбекистон Солиқ қўмитасининг www.soliq.uz веб сайтининг интерактив хизматлар бўлимида 23 интерактив хизмат турлари кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Солиқ қўмитасининг soliq.uz веб сайтига бўлган муурожаатлар 2011 йилда 1.25 миллиондан ортиқни ташкил этган бўлса, ушбу рақам 2012 йилда 25.5 миллионни ташкил этиб, деярли 20 мартага кўпайган. Бу рақамлар ушбу қўмитада АКТдан фойдаланган ҳолда интерктив хизматларни кўрсатиш орқали аҳолига ва турли идораларга хизмат кўрсатишнинг юқори унумдорлигига эришилаётганлигидан далолат беради.


Юқоридаги 11-расмга мувофиқ, фойдаланувчи иштирокининг мавжудлиги ва етказиб бериши мумкин бўлган хизматларни кўрсатиш

²²ICTNEWS 4(78) 16-28.02.2013 ASSN 2181-6727 24-бет

²³www.ictnews.uz

давомийлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, табиий ушбу хизмат юқори интерактивлийлик хизматига эга бўлади ёки, аксинча, ушбу хизматларни кўрсатиш давомийлиги даражаси паст бўлса, бундай ҳолатда ушбу хизматларнинг интерактивлийлиги деярли мавжуд бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, анъанавий хизматлар туркумига айланиб қолади.

Бугунги кунда тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларининг асосий қисми on-line режимда ишлайди. Қуйида уларни таҳлили қиламиз (3.3-расм).



3.3-расм. Интерактив давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари таҳлили²⁴

Интерактив давлат хизматлари (ИДХ) умумий сони 197 та. ИДХни кўрсатувчи давлат органларининг сони - 111 та, улар томонидан тақдим этиладиган ИДХнинг умумий сони 617 та. Шулардан 457 таси on-line режимда тақдим этилмоқда. Бундай натижа эса улардан фойдаланиш кўламининг кенгайишига хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида тўхталиб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли қарорига асосан «Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тўғрисидаги Низом», «Давлат органлари

²⁴ “2012 йилда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда 2013 йилги вазифалар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши материаллари. Тошкент, 2013 йил 24 январь

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом» ва «Давлат органлари расмий сайтга қўйиладиган асосий талаблар» тасдиқланган, давлат органлари вебсайтларига эса давлат органининг расмий ахборот ресурси мақоми берилган ва мазкур вебсайтда эълон қилинган ахборот ОАВ да чоп этилган ахборотга тенглаштирилган. Бир сўз билан айтганда, мазкур талаблар интерактив давлат хизматларининг давлат томонидан тақдим этилишини сифат ва мазмун жиҳатдан янада яхшилаш учун пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда интерактив давлат хизматларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори билан интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги Низом ва базавий интерактив давлат хизматларининг рўйхати тасдиқланган²⁵. Шундан келиб чиқиб, агар 2007 йилда базавий интерактив хизматлар сони 49 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, уларнинг сони қўшимча 45 тага ошган ва ҳозирги кунга келиб, 197 тани ташкил этмоқда. Барча давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ИДХнинг умумий сони 617 тани ташкил этади.

Хусусан, давлат органи вебсайтларида жойлаштирилган «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш» интерактив давлат хизмати орқали барча фуқаролар мазкур давлат идорасига бевосита вебсайт орқали мурожаат қилиб, ўзига зарур маълумот олиш имконига эга бўладилар.

Шу билан бирга, турли давлат статистика ва солиқ ҳисоботларини эндиликда «Электрон солиқ ҳисоботини қабул қили ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш бўйича хизматлар кўрсати» интерактив хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси яратилган бўлиб, ундан кечаю кундуз фуқаролар, бизнес вакиллари учун норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни осон ҳамда қулай шаклда излаш ва улар билан таниши имконини беради.

²⁵Lex.uz.Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Яна бир тизим муассиснинг ёки рўйхатга олувчи органнинг электрон буюртмаси асосида интернет тармоғи орқали фирма номлари марказлаштирилган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захиралашни амалга ошириш учун хизмат қилмоқда.

Агар таҳлилларга эътибор берсак, Давлат солиқ қўмитасининг soliq.uz вебсайтига бўлган мурожаатлар 2011 йилда 1250272 тани ташкил этган бўлса, ушбу рақам 2012 йилда 24500752 тани ташкил этиб, деярли 20 мартага кўпайган.

Ҳар бир соҳада иқтисодий ривожланган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўз йўлини танлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, почта алоқаси соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда почта соҳаси жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бозор сегментининг асосий йирик қисмини ташкил этади. Чунки хизматлар номеклатурасининг кенглиги ва ривожланган инфратузилманинг имкониятлари улкандир.

Почта алоқаси соҳасида янгиланишларда технологияларнинг самараси алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, универсал почта хизматларининг ҳам аҳамияти асло камайгани йўқ.

Хориж тажрибасига назар соладиган бўлсак, бугунги кунга келиб почта йўналиши бозор сегментининг илғор йўналишлари сифатида қайд этилмоқда. Жумладан:

- ёзма корреспонденцияларни қабул қилиш ва етказиб бериш бозори;
- посилкаларни қабул қилиш ва етказиб бериш бозори;
- курьерлик почта хизмати ва экспресс-почта хизмати;
- пенсия тўловларини етказиб бериш бозори;
- пул ўтказмалари бозори;
- почта инфокоммуникацион хизматлари бозори;
- чакана савдо бозори
- юк ташиш ва етказиб бериш бозори.

Кўриб турганимиздек, хорижда почта йўналиши бозор иқтисодиётининг ажралмас улкан қисмига айланиб улгурган. Хусусан, почта хизматлари номеклатурасининг кенг қамровлиги, соф рақобат муҳитининг мавжудлиги, хизматлари сифатининг юқорилиги ва кафолатланганлиги, янги технологиялари билан таъминланганлиги, кадрлар малакасининг юқорилиги яққол кўзга ташланади. Почта алоқаси соҳасида хизматларидан олинган даромадлар ҳажмини ўстириш, аҳоли учун янги хизмат турларини жорий этиш, хизматлар сифатини ошириш яъни умумий хизматнинг самарадорлигини ошириш асосий иқтисодий мақсадлардан биридир. Бунинг учун хориж тажрибаси, фан ва техника ютуқларини, илғор технологияларни жорий қилиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш, моддий, меҳнат ва молия ресурсларини мақсадга мувофиқ ишлатиш, бошқариш тизимларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатишни қулай ташкил этиш ва режалаштиришда иқтисодий-математик усуллар ҳамда услубиётлардан, компьютерларни кенг қўллаш каби омиллардан унумли фойдаланиш зарур. Бунинг натижасида почта хизматларининг умумий самарадорлиги ортади.

Мамлакатимиз почта алоқаси муассасаларида 6778 етказиш участкалари, улардан 4369 таси қишлоқ жойларида ташкил этилган ва 35 та авиа, 2 та темир йўл, 529 та автомобиль маршрутлари ишлаб турибди. Яъни, бу почта хизматлари диверсификациясини кенгайтириш, янги ва қўшимча хизмат турларини ишлаб чиқиш, аҳолининг почта хизматларига бўлган эҳтиёжларини юқори даражада қондириш учун етарли бўлган почта маршрутлари мавжудлигини кўрсатади.

Почта алоқаси соҳасида интерактив хизмат турларини кўрсатишни ҳозирги ҳолати таҳлилига кўра “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ веб сайтида интерактив хизматлар блоги йўқ, аммо, Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси веб сайтида 4 интерактив

хизмат мавжудлиги ҳақида маълумот келтирилган.²⁶“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ веб сайтида келтирилган интерактив хизматларни барчаси маълумотнома сифатида келтирилган. Фикримизча, бу хизматларни интерактив деб атаб бўлмайди, чунки, интерактив хизматлар бу ахборот технологиялари ёрдамида яратилган ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг муайян мақсадларига хизмат кўрсатиш учун ўзаро муносабат, таъсир ва ҳаракат ҳисобланади. Демак, почта алоқаси соҳасида интерактив хизмат турларини курсатишни ривожлантиришда интерактив хизмат турларини мазмун ва моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Мисол тариқасида Ўзбекистон Солиқ қўмитаси веб сайтида интерактив хизмат сифатида келтирилган “Электрон калькулятор” интерактив хизматидан фойдаланувчилар ўзларининг даромади ва тулаган солиғини текшириши ва мавжуд хатоликларни аниқлаш имкониятига эгадир.

Почта алоқаси соҳаси миллий иқтисодиётдаги соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг асосий вазифаси аҳоли ва иқтисодиётнинг почта алоқа хизматлари ва курьерлик хизматларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, миллий иқтисодиётдаги почта алоқаси инфратузилмаси чуқур кириб борган ва бутун мамлакатни қамраб олган кенг тармоқли маршрутлардан самарали фойдаланиш, АКТ асосида хизматлар номенклатураси ва сифатини ошириш давр талабидир.

3.2. Почта алоқаси соҳасида ахборот таваккалчилигини суғурталашни ривожлантириш йуллари

Ахборотлашган жамият шаклланаётган бир шароитида ҳар бир ахборотни йуқолиш, ўғирланиш ёки у билан боғлиқ булган бошқа салбий ҳолатларни содир бўлиш хавфи ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ахборот

²⁶ЎзААТТДҚ веб сайти scitt.uz. интерактив хизматлар/ соҳа интерактив хизмат реестори.

таваккалчилигини суғурталашга бўлган талабни ортиб боришига олиб келмоқда.

Ахборот таваккалчилиги корхона ахборот тизимига ички ва ташқи компьютер хужуми таҳдидини, бунинг натижасида тизимдаги ахборотнинг, биринчи навбатда, махфий маълумотларнинг ўғирланиши, зарар кўриш ёки алмаштирилиши хавфини ўзида ифода этади. Бизнинг назаримизда, қуйидаги таъриф ўринлидир. Яъни, ахборот rischi – бу корхоналарда ахборот технологияларини қўллаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар ёки шикаст кўришнинг эҳтимоллик даражасидир.

Шундай қилиб, ахборот riskлари электрон ташувчилар ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида ҳар қандай ахборотни узатиш, сақлаш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ. Илмий ва ўқув адабиётларида кейинги пайтда “ахборот активлари” тушунчасини тез-тез учратиш мумкин. Қайд этиш жоизки, ахборот активлари субъектнинг (жисмоний шахснинг ёки корхонанинг) қимматли ресурси ҳисобланади.

“Актив” тушунчасининг ўзи пул қийматига эга бўлган ва мулк эгасига муайян даромад келтирувчи бирон-бир мулк, объектни билдиради. Ҳозирги пайтда айнан ахборот кўпчилик хўжалик субъектлари учун улар бизнесида аниқ фойда келтирувчи асос ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги ва ахборот муҳофазаси тушунчаларини фарқлаш лозим. Илмий ва ўқув адабиётларида кўпинча бу икки тушунча тенглаштириладики, бу чалкашликка олиб келади. Биз уларни ажратиш зарур деб ўйлаймиз.

Ахборотни муҳофазалаш ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар мажмуасини, яъни ахборот хавфсизлиги таҳдидини бартараф қилиш ва уларнинг оқибатларини йўқотиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий, техник чора-тадбирларни ўзида ифода этади. Ахборотни муҳофазалашнинг асосий элементларига биз қуйидагиларни киритамиз: ахборот тарқалишини чегараловчи (чеклайдиган) шарт-шароитларни яратиш; ахборотдан руҳсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш; ахборотнинг ўғирланиши, чиқиб кетиши,

бузилиши, ошкор этилишига йўл қўймаслик; мулкдорнинг ахборотни эгаллаш ва тасарруф этишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва шу кабилар. Ахборот хавфсизлигига эса мутлақо кенг тушунча бўлиб, биз унга кейинги параграфда кенг тўхталамиз.

Ахборот хавфсизлигига таъминлаш мақсадида утган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ахборот таваккалчилигини суғурталаш жараёни ривожлана бошлади.

Бугунгу кунда дунё суғурта бозори “Ахборот таваккалчилигини суғурталаш” соҳасида қўйидаги хизматларни таклиф қилмоқда.

Ахборот ресурслари:

- Исталган кўринишдаги ахборот турлари, Маълумотлар базаси, кутубхона, архивларнинг электрон кўриниши ;
- Яратилаётган ёки эксплуатация қилинаётган дастурий воситалар ёки уларнинг тўплами;

Молиявий активлар:

- Ҳисоб рақамида ёзилган пул воситаларининг электрон шакли (банк-мижоз тизими);
- Электрон (хужжатсиз) қимматли қоғозлар кўринишида;

Суғурта ҳолатлари натижасида вақт ўтиши билан тижорат фаолиятидан кўрилган зарар:

- Ишламай турган даврда йўқотилган фойда;
- Фаолият тўхтаб қолганда қилинган харажатлар (бизнесни ривожлантириш мақсадида йўқотилган фойда)

Бизнесни қайта тиклаш мақсадида қилинган бошқа харажатлар:

- Вақтинча ижарага олинган ускуналар;
- Тўсатдан ускуналарнинг ёки дастурий маҳсулотларнинг алмаштирилишига харажатлар;
- Суғурта ҳолатини текширишга кетадиган харажатлар;
- Компаниянинг номини сақлаб туриш учун кетадиган харажатлар.

Хориж суғурталовчилари бугунги кунда ахборот ресурслари ва электрон молиявий активларнинг қуйидаги сабаблар билан йўқотилиши мумкин бўлган бўлган харажатларни қоплашни таҳлил қилиб чиқишган:

1. Ахборот тармоғидаги дастурий воситаларнинг эксплуатация қилиниши, унинг ишланишидаги режалаштириш (дастур архитектураси), ўрнатилиши, қайта ишланиши натижасида қилинган хатоликлар;
2. Компания ходимларининг қасддан қилган фаолияти;
3. Учинчи томондан компанияга қарши компютер ҳужуми;
4. Компютер вирусларининг фаолияти;
5. Ишлаётган компютер тармоғидан пул воситаларининг ёки қимматли қоғозларнинг ўғирланиши.

Кўрилганидай, бозор ахборотни, кутубхонани, маълумотлар базасини, архивларни (электрон кўринишдаги ёки моддий кўринишдаги) ва яна таваккалчиликларни суғурталашни таклиф қиляпти. Ахборот тикланадиган қийматга суғурталанади. Суғуртанинг бундай кўриниши компания ўзи учун молиявий, иқтисодий, техник ва бошқа ахборотларни, мураккаб ахборотлашган тизимни ёки ўзининг ахборотлашган тизим, электрон ҳисоб китоблар, интернет тармоғи билан амалга оширадиган фаолият доирасини компанияга истиқболли стратегия танлашига олиб келади.

Яқин кунларда компания, ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқ. Агар компания суғурта компаниялари хизматларидан фойдаланса, турли бахциз ҳодисалардан – ёнғин, сув тошқини, ёнғинни ўчириш натижасида сувнинг таъсиридан кўрилган зарарларнинг олдини олади. Бундан ташқари, оммабоп фойдаланиладиган кучланишнинг кўпайиб кетишидан сақловчи ускуналар, тармоқда ахборотнинг йўқолишини олдини оладиган ускуналар ҳам бор.

Суғуртанинг бундай кўринишига катта қизиқиш ўтган асрнинг 90 йилларида, инсон фаолиятининг барча соҳасида Интернет тармоғи

ривожланиши билан боғлиқдир. Ҳозирги пайтда эса ахборот рискларини суғурталаш хизматларини кўрсатувчи суғурта компаниялари қуйидагилардир:

- Loyd - Internet Asset and Income Protection Coverage хизмати
- AIG - netAdvantage Suite хизмати
- Marsh - Net Secure хизмати

Ахборотни суғурталашнинг мол-мулкни суғурталашдан фарқи шундаки, ахборот таваккалчилигини суғурталаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Дастурий таъминот, шунингдек биллинг системалари, Веб серверлар ва ахборотни ҳимоя қилиш;
- электрон маълумотлар, маълумотлар базасининг жойлашуви, файл серверлари ва бошқа воситалар (СД-РОМ, ДВД);
- Молиявий активларнинг электрон шакли ва бошқа банк мижоз системалари.

Активларнинг қуйидаги миқдорда камайиши ёки йўқотилиши катта йўқотилиш катта суғурта ҳолати йўқотилиши дейилади:

- Вирусларнинг фаолият ёки троян дастурлар. Турли маълумотларга кўра компанияларда 85-93%гача бўладиган ахборотга таҳдидларнинг энг оммлашган кўриниши. Бу таҳдидлар компания учун энг кўп зарар келтиради.
- Бошқа томондан туриб қилинадиган компьютер ҳужумлари (хакерлик фаолиятлари), белгилаш керакки бир қанча суғурта компаниялари (масалан, ОАЖ “Иннгострах”) айнан шу йўналишда, фақат турли ҳужумлардан эмас балки турли таҳдидлардан суғурталашу мумкин.
- Пул воситаларининг электрон шаклда ички жинойтчилар томонидан ўғирланиши, қалбаки тўлов ҳисобварақларини электрон қалбакилаштириш, “Интернет-банк” тизимида буйруқларни қалбаки киритиш.
- Компаниянинг ўзининг ходимлари жаримага тортилмалиги;

- Дастурнинг режалаштирилиши, ишланиши, ўрнатилиши, созланиши ва эксплуатация қилиниши сабабли йўқотилиши;

Суғурта ҳолатлари вақтинча фаолият тўхтаб қолиши билан ҳам бўлиши мумкин.

Сотишни суғурталаш 5 зарурий шарт кўринишида қилинади:

1. Келишув, суғуртанинг аниқ шартлари
2. Суғурта шартларини ишлаб чиқиш ва розилик бериш
3. Суғурта экспертизасини ўтқазиб
4. Экспертиза натижасида олинган маълумотлардан тавсияномани тўлдириш
5. Суғурта шартномасини имзолаш.

Юқорида келтирилган йўналишлар бўйича суғурта хизматини кўрсатиш орқали ҳар бир корхона ахборот хавфсизлигини таъминлашга эришади. Бу эса корхонанин ички сирларини йўқолишини камайишига олиб келади. Натижада бозорда соф рақобат муҳитини шаклланишига сабаб бўлади. Ушбу тадбирлар провад натижада мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига, миллий ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашга туртки бўлади.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. Ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигига зарар етиши ва иш берувчи масулияти

Хўжалик юритишнинг бозор шароитларига ўтиш корхоналар фаолияти амалиётида катта ўзгаришларни юзага келтирди.

Кўпчилик корхоналарда бошқарув структураси қатор мутахассислар лавозимлари, шу жумладан Мехнат муҳофазаси бўйича мутахассисликларнинг қисқартириш томонга ўзгарди, давлат органлари ва назорат касаба уюшмалари, идоралар томонидан хавфсиз ишшароитларига риояэтиш устидан назорат савияси суствлашди.

Натижада сўнгги йилларда ишлаб чиқариш травматизми муҳим даражада ўсди. Шундан келиб чиқиб, жабрланганлар ва уларнинг оилалари учун бўлгани каби иш берувчи учун ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ҳуқуқий базага эга саналади.

Ўзбекистонда ҳар бир ходим иши билан боғлиқ тарзда саломатлигига етказиладиган зарарни қоплаш ҳуқуқига эга.

Иш берувчи вақтида ва тўғри ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисаларни терговини ўтқазиб ва ҳисобини олиш, шунингдек ходимларга етказилган зарар учун моддий жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Ҳар қандай шикаст етказувчи воқеа бахтсиз воқеа саналади.

1. Механик (санчилган, кесилган, лат еган ва х.к.).
2. Термик (қуйиш, музлаш, совқотиб қолиш, иссиқлик зарбаси ва х.к.).
3. Электрик.
4. Кимёвий.
5. Психик ва бошқа.

Уларнинг оқибатида инсон қисқа муддатга ёки узок даврга меҳнатга лаёқатини юқотади.

Бахтсиз ходиса деб касбий касалликлар, касбий захарланишлар ва айрим ҳолатларда умумий касалликлар тушунилади.

Тиббий муассаса хулосаси меҳнат мажбуриятлари билан боғлиқ саломатликка путур етишлар сонига умумий касаллик учун зарур шарт ҳисобланади. Саломаликка путур етказадиган бахтсиз ходисалар ишлаб чиқариш ходисалари ёки маиший ҳисобланади.

Иш берувчи фақат ишлаб чиқариш бахтсиз ходисалари учун жавобгардир.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар қуйидагилардан иборат:

-улар томонидан меҳнат вазифалари (шу жумладан хизмат сафарлари ҳам) ни бажариш, шунингдек иш берувчи топшириғисиз ҳам корхона манфаатлари доирасида бирор бир халокатларни амалга ошираётганда;

-корхона транспортида ишга йўл олаётганда ёки ишдан қайтаётганда;

-белгиланган танаффуслардан тортиб бутун иш вақти мобайнида корхона ҳудуди ёки бошқа иш жойида;

-ўтказилиш жойидан қатъий назар шанбалик ўтказилаётган вақтда;

-ишлаб чиқаришда юз берган аварияларда;

-иш вақтида хизмат объектлари ўртасидаги ҳаракат билан фаолияти боғлиқ ходим билан жамоат транспортида ёки пиёда, шунингдек иш берувчининг топшириғига кўра, иш жойига кетаётганида;

-иш вақтида хизмат сафарлари ёки иш берувчининг топшириғига кўра, шахсий енгил транспортда;

-иш вақтида бошқа шахс томонидан танага шикаст етказиш, ёки меҳнат вазифасини бажараётганида ходимнинг қасддан ўлдирилиши.

Фақат ўз ўлими, табиий жон бериш ходисалари, шунингдек, жиноятлар қилаётганда ўша жабрланувчилар томонидан жароҳатлар инobatга олинмайди. Иш берувчининг жавобгарлиги қандай вазиятларда бахтсиз ходиса рўй бергани ва етказилган зарарга боғлиқ.

1. Агар зарар юқори хавфсизлик манбаи томонидан етказилган бўлса, иш берувчи воқеа табиий офат оқибатида, ёки жарбланувчи ғарази ёки унинг қўпол эҳтиёткорсизлиги туфайли, бўлганини исботлай олмаса, у етказилган зарарни тўлиқ миқдорда қоплаши керак.

Масалан, металл қирқувчи ускунада ишчи қўлига шикаст етди. Иш берувчи томонидан Меҳнат муҳофазаси ва Техника Хавфсизлиги бузилмади. Жароҳат ишчининг оддийгина эҳтиёткорсизлиги натижасида келиб чиқди. Бахтсиз ходиса юқори хавфлилик манбаи (ускуна) таъсирида юз бергани боис иш берувчи ўз айби бўлмасада, зарарни тўлиқ қоплаши зарур.

Ишчининг қўпол эҳтиёткорсизлиги ҳолатида иш берувчи ва ишчи аралаш жавобгар бўлади. Мазкур ҳолатда қоплаш ҳажми камайтиради.

Эҳтиёткорсизликнинг қандайлиги (қўпол ва ёки оддий) вазиятлар инобатга олиниб, ҳар бир аниқ ходисада ҳал қилинади. Бунда жабрланувчининг ёши, малакаси, жисмоний ахволи ва хоказолар, ҳамда бахтсиз ходисанинг аниқ вазияти ҳисобга олинади.

Масалан, агар иш бўйича катта ҳамкасабалари мисолида, ёш ишчи химоя кўзойнақларини кўзидан олиб қўйди, у эҳтиёткорсизлик бўлади. Бироқ қўпол эҳтиёткорсизликка йўл қўймади. Унинг техника хавфсизлиги бўйича талаблари ва уста танбехларига қарши борган тажрибали ҳамкасабалари каттиқ ҳаракатларини қўпол эҳтиёткорсизлик деб ҳисоблаш мумкин.

Иш берувчи доимо жабрланувчига кўра, бахтсиз ходисани олдини олишда катта имкониятларга эга. Айнан, у ходимлар хавфсизлигини таъминлашга жавобгардир.

2. Агар зарар юқори хавфлилик манбаи томонидан етказилмаган бўлса, иш берувчи фақат айби бўлсагина жавоб беради. Масалан, дўкон сотувчиси ёрдамчи хоналар ўртасида тўкилган ўсимлик ёғидан тойиб кетди ва йиқилишида жароҳат олди, дейлик. Бахтсиз ходиса юқори хавфлилик манбаи билан боғлиқ эмас. Демак, иш берувчига зарар учун жавобгарликни юқлашдан аввал унинг айбини аниқлаб олиш зарур. Айб эса шундаки, иш хавфсиз

ахволда эмас эди. Агар иш мувофиқ ахволда бўлганида эди, иш берувчининг бунда айби ҳам бўлмасди ва у зарарни қоплашга мажбур ҳам бошлмасди.

Касбий касаллик, одатда, юқори хавфлилик манбаи таъсирида юзага келади, бу ҳолатда иш берувчининг айбини исботлашнинг ҳожати юқ, фақат бу ҳасталикнинг меҳнат мажбуриятлари ижроси билан боғлиқлик жихатини аниқлаш зарур.

4.2. Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва улардан муҳофазаланиш

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга⁷ хил турдаги вазиятлар киради:

1. Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар

-экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, хаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва авария-қидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

-ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташиланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортидаги ҳалокат ва фалокатлар;

-портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўл транспорт ходисалари;

-одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги халокатлар, авариялар, ёнғинлар;

-газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теварак-атроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария-химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3. Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:

-технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

-одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда кон-руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:

-саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларидаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

-атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5. Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария қутқарув утказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

-санитария химоя худуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектларидаги авариялар;

-радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар;

-радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши;

-биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7. Гидротехник иншоотлардаги халокатлар ва авариялар:

Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган халокатли сув босишлари.

Фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш

Ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, худудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

Ушбу қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини ҳамда фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини ҳам белгилаб берган.

1. Аҳоли ва объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш.

2. Бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш.

3. Халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш.

4. Аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуация қилиш.

5. Фуқаро муҳофазаси ҳарбий тизимлари шайлигини таъминлаш.
6. Аҳолини умумий ва шахсий сақловчи воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш.
7. Аҳолининг ҳарбий даврдаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш .
8. Радиациявий, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.
9. Қўғқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.
10. Ҳарбий даврларда ҳам зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.
11. Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда муътадил ҳаёт фаолиятини яратиш бўлмади. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Фавқулудда вазиятлар хавфи туғилганда ёки содир бўлганда ҳабар бериш ва алоқа воситалари. Эвакуация

1. Радиоактив шикастланган ҳудудда фуқароларни сақлаш.

Радиоактив шикастланган ҳудудларда халқни сақлашнинг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат:

- радиоактив шикастланиш хусусида огоҳлантириш;
- ҳимоя иншоотларида сақлаш (бошпана, радиациядан сақловчи бошпана-РСБ);
- шахсий сақловчи воситалардан фойдаланиш;
- радиациядан сақловчи препаратлардан фойдаланиш;
- зарарланган сув ва озиқ овқатлардан сақланиш;
- зарарланган жойларда фуқароларни сақлаш режимларига риоя қилиш;
- зарарланган жойлардан фуқароларни эвакуация қилиш;
- зарарланган ҳудудларга одамларни киритмаслик;

-фуқароларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, кийим кечак, техника, иншоотларни дезактивация қилиш.

Радиоактив моддалар билан зарарланган жойларда одамларнинг хатти ҳаракатлари, радиациявий ҳолатдан келиб чиқиб аниқланади, бунда:

а) муайян зарарланган жойларда, одамлар, РСБда бир неча соатгача сақланишлари ва сўнгра оддий иншоотларда бўлишлари тавсия этилади.

Аммо корхоналар ва яшаш масканлари ишларини оддий режим асосида амалга оширадilar.

б) кучли зарарланган жойлардаги фуқаролар химоя иншоотларда уч кунгача сақланишлари ва кейинги тўртинчи кунда оддий иншоотларда бўлишлари мумкин. Бундай ҳолатларда корхона ва масканлар алоҳида режимда ишлашлари, очиқ жойда ишловчилар эса бир неча соатдан бир неча кунгача ишни тўхтатишлари зарур.

в) хавфли ва жуда хавфли шикастланишда фуқаролар химоя иншоотларида уч кундан кам бўлмасликлари ҳамда оддий иншоотларда ҳам ташқарига чиқмасдан сақланишлари керак. Бундай корхоналарда ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари герметик идишларда сақланиши (шкафларда, шишали ёки эмалли идишларда, полиэтилен қопчаларда) ҳамда овқат тайёрлашда фақат зарарланмаган сувлардан фойдаланиш лозим.

2. Кимёвий шикастланишда фуқароларни сақлаш.

Хавфли кимёвий корхоналарда фуқароларни сақлашнинг асосий услублари қўйидагилардан иборат:

- кимёвий шикастланиш хавфи ҳақида огоҳлантириш;
- химоя иншоотларида (бошпанада) сақланиш;
- шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш;
- антидод қўллаш;
- шикастланган жойларда юриш туриш режимларига риоя қилиш;
- зарарланган ҳудудлардаги одамларни эвакуация қилиш;

-фуқароларни санитар қайта ишлаш, кийим-кечак, иншоотларни, транспорт ва техникаларни дегазация қилиш.

Кимёвий зарарланишда биринчи навбатда разведка ўтказилади: бунда авариянинг аниқ жойи, КТЗМ тури, худуднинг шикастланиш даражаси, одамларнинг зарарланган ўчоқдан яқин узоқлиги, шамолнинг кучи ва йўналиши ҳамда бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Захарланган фуқароларга биринчи ёрдам берилиб, тиббий ёрдам кўрсатиш шахобчаларига ўтказилади. Зарарланган озиқ-овқатлар, сув текширилиб, дегазация қилинади ёки йўқ қилиб юборилади. Зарарланган худудда чекиш, ичиш, ҳимоя воситаларисиз юриш тақиқланади. Зарарланган худуддан чиққанда, очиқ қолган терилар, шахсий химоя воситалари, кийим-кечаклар билан зарарсизлантирилади ва сўнгра ўзлари тўлиқ санитар ишловдан ўтказилиб, кийим кечаклар алмаштирилади.

3. Фуқароларни ва фуқаро муҳофазаси тизимларини **Рк** ва **КТк** омиллари билан таъминлаш.

Ҳар бир объектнинг фуқаро муҳофазаси штаби ва унинг хизматли бўлимлари шахсий сақловчи (терини ҳамда нафас органларини сақловчи) ва тиббий воситалар билан таъмилашни, сақлашни ҳамда уларни доимий техник тайёр холда бўлишлигани ташкил этади.

Шахсий сақловчи воситаларнинг сақланиши иш жойларига яқин бўлган ерларда (цех, бўлим ва бошқаларда) ташкиллаштирилади, агар шароит бўлмаса, у холда иш жойларининг захирадаги биноларида, хоналарида сақланади. Тинчлик даврларида ушбу воситалар вақти-вақти билан лаборатория кўригидан ўтказилиб турилади.

Шахсий сақловчи ва тиббий воситалар биринчи навбатда фавқулодда вазиятларда иш билан машғул бўладиган фуқароларга берилади. Булардан ташқари ФМ тизимларига кирувчи фуқаролар респераторлар билан ҳам таъминландилар. Ишламайдиган фуқаролар нафас органларини сақловчи оддий воситалар — пахта докали ва чангдан сақловчи матоли ниқоблар билан

таъминландилар. Терини сақловчи воситалар билан фақат зарарланган ўчоқларда (радиоактив моддалар, захарли бирикмалар, биологик таъсирлар ва одамга кучли таъсир этувчи моддалар, КТЗМ билан шикастланган ҳудудлар) хизмат кўрсатувчи фуқаролар муҳофазаси тизимлари таъминланади.

Фавқулодда вазиятларда халқ хўжалиги тармоқларида хизмат қиладиган фуқаролар шахсий сақловчи воситаларни ўз иш жойларидан, иш билан машғул бўлмаганлар эса турар жой массивларидан оладилар.

ХУЛОСА

Ушбу битирув малакавий ишда ахборотлашган жамият шаклланаётган шароитда почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларидан фойдаланиш ҳолатини тадқиқ этиш ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш амалга оширилди.

Битирув малакавий ишнинг мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишда қўйидаги вазифалар бажарилди.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида иқтисодий-ижтимоий модернизация қилиш шароитида суғуртанинг моҳияти ва асосий тушунчалари, суғурта муносабатларини мазмун моҳияти ва ривожланиши босқичлари ҳамда суғурта соҳани ривожлантиришни ҳуқуқий-меъёрий асослари ўрганилди.

Ишнинг иккинчи бобида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ мисолида суғурта муносабатлари таҳлил қилиш, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш ҳамда почта алоқаси соҳасида АКТдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор берилган.

Олиб борилган таҳлилий ишлар натижасида битирув малакавий ишнинг учинчи бобида почта алоқаси соҳасида суғурта хизматларини ривожлантириш истикболлари, почта алоқаси соҳасида янги интерактив хизмат турларини жорий этиш ҳамда почта алоқаси соҳасида ахборот таваккалчилигини суғурталашни ривожлантириш йўллари аниқланди.

Мамлакатда суғурта йўналишида олиб борилаётган истикболли ислохотларни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг тадбик этиш мақсадида катор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Булар каторига қуйидагиларни киритса бўлади:

- соҳа бошқаруви томонидан тизимда суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида катор қарор ва буйруқлар қабул қилинди ва уларнинг изчил назорати таъминланмоқда;

- соҳада юқори технологик жараён билан боғлиқ хавф-хатарларни бошқариш ва уларни суғурта қилиш механизми яратилди;
- соҳада суғурталаниш даражасини сезиларли ўсди;
- ахборот рискларини суғурталаш бўйича амалий ишлар бошланди.

Мамлакатимизда почта алоқаси соҳасида суғурта мунособатларини ривожлантириш ҳамда суғурта хизматларини кўрсатишни кенгайтириш мақсадида кўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- почта алоқаси соҳасида соҳада суғурта маданиятини талаб даражасида шакллантириш, бу борада тегишли уқув-услубий тадбирларни янада такомиллаштириш;

- соҳа хусусиятига хос қалтисликларни суғурталаш механизминини яратиш. Мазкур йўналишда соҳа суғурта компанияси ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ахборот-коммуникация соҳасига хос қалтисликларни суғурталаш бўйича тегишли суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

- соҳада суғурталаш усулларида кенг фойдаланган ҳолда давлат томонидан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусан халқаро тажрибадан келиб чиқиб лицензиялаш йўналишида лицензиатларнинг лицензия шартларини бажармаслик ва бузиш ҳоллари билан боғлиқ жавобгарлигини суғурталашни амалда жорий этиш;

- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ тармоғи орқали суғурта полисларини улар орқали воситали сотиш механизминини янада такомиллаштириб бориш;

- почта алоқаси соҳасида ахборот таваккалчилигини суғурталаш тизимини шакллантириш бўйича амалий ишларни жадаллаштириш.

Юқорида келтирилган йўналишлардаги тадбирларни амалга ошириш орқали республика суғурта бозорида янги хизмат турларини жорий этишни такомиллаштиради ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматларини самарадорлигини ортишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги Қонуни. 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни. – Тошкент, 2002 йил 5 апрел.
3. “«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.- Тошкент , 2012 йил 11 апрель, ЎРҚ-323-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш., 1999 йил 19 август, 811-I-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 12.12.2002 й. N 439-II.
6. ФХ бўйича маслаҳатчи Ф.М.Қодиров
7. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
8. ЁрматовҒ.Ё.,Исамухамедов Ё.У. Мехнатнимухофазақилиш. Дарслик.
9. Ўзбекистаннашриёти. Тошкент 2002.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли “Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини яратиш тўғрисида” ги фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги 1544-сонли “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги ПҚ-1572-сонли «Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сонли "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 17 февралдаги «2012 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги Қарори. //“Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 17 феврал

3. Президент И.А.Каримовнинг маърузалари ва асарлари

16. И.А.Каримов Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш–барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
17. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
18. И.А.Каримов Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш–бизнинг олий мақсадимиз.//Халқ сўзи, 2008 йил 7 декабрь.
19. И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. – Т.: «Халқ сўзи», 14 феврал 2009 й
20. И.А.Каримов «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Т.: Ўзбекистон, 2010.
21. И.А.Каримовнинг Президентимизнинг «2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги

иктисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида»ги маърузаси // Халқ сўзи 18.01.2013

4. Асосий қўлланма ва адабиётлар

22. Абдуллаева Ш. 3. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. 23 бет.
23. Алексеев И.Ю. Возникновение идеологии информационного общества.- М.: «Мысль», 2005.
24. Афолина СВ. Электронные деньги / СВ. Афолина. — СПб.: Питер, 2001. - 128 с.
25. “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 11 майдаги “Ахборот хавфларини суғурта қилиш бўйича меъёрий хужжатларни соҳа корхона ташкилотларида тажриба тарзида қўллаш тўғрисида”ги 150-сон буйруғи
26. Алексеева И.Ю., Авчаров И.В., Вотрин Д.С., Стрельцов А.А. и др. Информационные вызовы национальной и международной безопасности. Под общей ред. А.В. Федорова и В.Л. Цыгичко. М.: ПИР-Центр, 2001.
27. Бабаш А.В. Криптография: Учеб. пособие. / Бабаш А.В., Шанкин Г.П.: СОЛОН-Р, 2002.
28. Байбурип В.Б., Бровкова М.Б., Пластун ИЛ. и др. Введение в защиту информации. Учеб. пособие. М.: ФОРУМ-ИНФРА-М, 2004.
29. Стрельцов А.А. Обеспечение информационной безопасности России. Под ред. Садовниченко В.А. и Шерстюка В.Л. М.: МЦНМО, 2002.
30. Торокин А.А. Инженерно-техническая защита информации: Учебное пособие. М.: Гелиос АРВ, 2005.
31. Устинов Г.Н. Основы информационной безопасности систем и сетей передачи данных. М.: Синтег, 2000.
32. Уфимцев Ю.С., Ерофеев Е.А. Информационная безопасность России. М, Экзамен, 2003.

33. Шумский А.А., Шелупанов А.А.. Системный анализ в защите информации: Учебное пособие. М.: Гелиос АРВ, 2005.
34. Ярочкин В.И. Информационная безопасность. Учебник для вузов. М, Фонд «Мир», 2003.
35. Завгородний В.И. Управление информационными рисками предприятия. – М.: ИНИОН РАН, 2009. – 11,0 п.л.
36. Шиверский А. А. Защита информации: проблемы теории и практики.-М.: Юристъ, 2006.112 с.
37. Баланов И.Т. Риск менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2006 г.
38. Максименко С. Страхование информационных рисков.- М.: Финансы и статистика, - 2001. 168 с.
39. Завгородний В.И. Информация и экономическая безопасность предприятия. //Прикладная информатика. №2, 2006, с. 107 –113.
40. Попов В.Н. Системный анализ в менеджменте – учебное пособие / В.Н. Попов, В.С. Касьянов, И.П. Савченко; под ред. В.Н. Попова. – М.: КНОРУС, 2007. – 304 с.
41. Прангишвили И.В. Системный подход и общесистемные закономерности. Серия "Системы и проблемы управления". – М.: СИНТЕГ, 2000. – 528 с.

5. Қўшимча адабиётлар

42. O'z DST ISO/ IEC 27001:2009. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. 23.07.2009.
43. ИСО 9001:2000 «Система менеджмента качества. Требования».
44. ИСО 14001:2004 «Системы управления окружающей средой. Требования и руководство по применению».
45. O'z DST ISO/ IEC 27002:2008. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш бўйича амалий қоидалар 27.11.2008.

6. Интернет сайтлари

46. [www.»ALSKOM» .uz](http://www.alskom.uz) (сайт Страховой Компании ОАО «ALSKOM»)
47. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси)
48. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
49. www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали)
50. www.uzreport.uz (UzReport ахборот агентлиги)